БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 142 (633)

20 ИЮЛЬ ЖУМА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси Ҳукумат делегациялари ўртасида олиб борилган музокараларнинг натижалари тўғрисида баёнот (1-бет).

ГДР Бош Министри Отто Гротевольнинг СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. Булганинга телеграммаси (1-бет).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА (1-бет).

Областимиз меҳнаткашлари СССР Олий Советининг қарорларини якдиллик билан маъқулламоқдалар (2-бет).

С. Титаренко.—Коммунистик партия раҳбарлиги—Совет давлати куч-қудратининг энг муҳим манбаидир (2 ва 3-бетлар).

Тожикистон пахтакорларининг маслаҳатлари асосида ғўза парваришидаги қолоқликни тезда тугатайлик! (3-бет).

Франция коммунистик партиясининг 14 съезди очилди (4-бет).

Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий комитетининг пленуми (4-бет).

СССР ва ГДР Ҳукумат делегациялари музокараларининг натижалари тўғрисида немис демократик матбуотининг ёзганлари (4-бет).

Тошкентда (4-бет).

Кадрларимизни иқтисодий билимлар билан пухта қуроллантирайлик

Ҳозирги вақтда, жамиятимиз юқори меҳнат унумдорлиги учун, СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини ҳал қилиш учун кураш олиб бораётган бир шароитда марксизм назариясининг иқтисодий томони биринчи ўринга қўйилмоқда, марксча-ленинча сиёсий иқтисодни ва ишлаб чиқаришнинг конкрет экономикасини ўрганиш масаласига ғоят катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам партиямизнинг XX съезди марксча-ленинча иқтисодий фан масалаларини коммунистик қурилишнинг практикаси билан чамбарчас боғлашни пропагандамизнинг марказий вазифаси қилиб қўйди.

Дарҳақиқат, социалистик саноат ва қишлоқ хўжалигимизнинг кўп даражада ўсган, янги моддий негизда ривожланаётган экономикасини ҳар тарафлама пухта билиб олмасдан туриб, иқтисодий билимларни эгаллаб олмасдан туриб, партия томонидан совет халқи олдига қўйилаётган коммунизм қурилишининг амалий вазифаларини ҳал қилиб бўлмайди. Бularсиз, даставвал, хўжаликка малакали раҳбарлик қилиб бўлмайди, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиб бўлмайди.

Кадларимизга иқтисодий билимларни, конкрет экономика масалаларини пухта ўргатиш учун бизда бой имкониятлар бор. Марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, «КПСС съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет пленумларининг қарорларида» китоблари. «Сиёсий иқтисод» дарслиги кўп нусхаларда нашр этилган. Бундан ташқари, айниқса, партия XX съездидан сўнгги қисқа давр мобайнида социалистик экономика ва ишлаб чиқаришнинг конкрет экономикасини масалалари юзасидан кўплаб китоблар, брошюралар ва айрим мақолалар босилиб чиқди. Шаҳар ва район партия комитетлари, шунингдек бошланғич партия ташкилотлари ҳузуридаги кутубхоналарда зарур адабиётлар, кўргазмали куроллар, ўқув программалари, дарсликлар етарлидир. Бир қанча шаҳар ва район партия комитетлари иқтисодий билимларни ўрганувчилар учун циклли лекциялар, суҳбатлар, семинарлар ташкил этиш билан уларга амалий ёрдам бермоқдалар.

Тошкентдаги Фрунзе район партия комитети кадрларга иқтисодий билимларни ўргатиш ишини анча дуруст йўлга қўйган. Район саноат корхоналарининг экономикасини ўрганиш юзасидан ташкил этилган семинарларда назарий масалалар амалий вазифалар билан мустаҳкам боғлаб ўрганилади. Бошланғич партия ташкилотлари ҳузуридаги семинарларда лекциялар ўқиш, докладлар қилиш учун корхоналарнинг директорлари, инженер-техник ходимлар, илмий ходимлар жалб этилган.

Бу соҳада шу район территориясида жойлашган Тошкент тўқимачилик комбинати партия ташкилоти қилаётган ишларни намуна қилиб кўрсатса бўлади. Комбинат партия комитети ходимларининг конкрет экономикани ўрганишга зўр қизиқиш билан қараётганликларини эътиборга олиб, бу масала юзасидан мунтазам равишда лекциялар ва консультациялар ташкил қилмоқда. Комбинат ходимларининг ўзи лекция ва докладлар қилмоқдалар. Масалан, 3-йигирув фабрикасининг цех бошлиғи ўртоқ Вол корхона ҳаётидан олинган конкрет фактлардан фойдаланиб, «Меҳнат унумдорлигини ошириш — социалистик саноатни янада ривожлантиришнинг энг муҳим воситасидир» деган темада доклад қилди. Комбинатнинг бош инженери Костин ва бош бухгалтер Ўринбосари Шашков ўртоқлар янги техникани жорий қилиш, тўқимачилик саноатида маҳсулот таннархини пасайтириш йўллари тўғрисида сермазмун лекциялар ўқидилар.

Ҳозир комбинат корхоналарида конкрет экономикани ўрганиш юзасидан 10 та доимий семинар ишлаб турибди. Партия комитети кадрларга иқтисодий билимларни ўргатиш юзасидан йилнинг иккинчи ярми учун иш плани тузиб қўйди.

Марксча-ленинча иқтисодий назарияни ривожлантириш юзасидан, кадларимизга иқтисодий билимларни, ишлаб чиқариш конкрет экономикасини пухта ўргатиш юзасидан партиямиз томонидан қўйилган вазифалар барча экономистларимиздан асосий эътиборни халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган соҳаларга, жумладан колхозлар, МТСлар ва совхозлар экономикасини юксалтиришни таъминлайдиган проблемаларга қаратишни талаб қилади.

Республика Фанлар академиясининг экономика институти партиямиз XX съезди кўрсатмаларига амал қилиб, ўз эътиборини халқ хўжалиги учун муҳим бўлган энг актуал илмий проблемаларга қаратмоқда. Вулар орасида қишлоқ хўжалиги экономикасини ривожлантиришга қаратилган илмий ишлар алоҳида ўрин тутади. Колхоз кадрларига ишлаб чиқариш планлари тузишни ва йиллик ишлаб чиқариш топшириқлари белгилашни, иш нормаларини ва меҳнат куни учун ҳақ белгилашни ўргатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Институт илмий ходимлари областимизнинг бир қанча колхозларида бўлиб, ишлаб чиқариш харажатларини ва уларни камайтириш йўлларини аниқлаш юзасидан анча иш қилдилар, маҳсулот таннархи ва даромадни ҳисобга олишнинг намуна методикасини ишлаб чиқдилар. Бу методика жуда ихчам ва колхозларнинг ҳисоб-китоб ходимлари учун қулай усул бўлиб чиқди.

Бироқ, барча шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ва тегишли илмий муассасалар ҳам кадрларга иқтисодий билимларни ўргатишни шу тарзда яхши йўлга қўйганлар, деб бўлмайди.

Областимизнинг Бекобод, Пискент, Чиноз ва бошқа кўпгина районларидаги партия ташкилотлари ҳузурида конкрет экономикани ўрганиш юзасидан ташкил этилган семинарларнинг иши шу куннинг юксак талабларига жавоб беролмайди. Бу семинарларнинг иш планлари кўпинча расмият учунгина тузиб қўйилган бўлиб, улар шаҳар ва район олдида турган конкрет хўжалик вазифаларини камдан-кам эътиборга олган.

Баъзи бир партия, совет ва хўжалик ходимлари ўртасида иқтисодий билимларни, конкрет экономика масалаларини ўрганишга бепарволик билан қараш, ишлаб чиқариш планларини «ҳар қандай қилиб бўлса ҳам» бажариб олиш қайфияти ҳамон давом этмоқда. Бундай эскича иш усули халқ бойлигининг исроф бўлишига, корхона ва колхозлар экономикасининг заифланишига, шунингдек хўжалик кадрларимизни тарбиялаш ишига катта путур етказишига бу ходимлар яхши тушунмайдилар. Улар хўжаликка ишнинг кўзини билиб, тўғри раҳбарлик қилиш — моддий ва меҳнат резервларидан тежаб-тергаб фойдаланишга эришиш, ички резерваларни энг кўп даражада ишга солиш, ходимларни қаттиқ иқтисодий тежашга, техника ва технологияни янада такомиллаш учун тинмай изланишга ўргатишдан иборат эканлигини яхши билмайдилар. Марксча-ленинча сиёсий иқтисодни, саноат, қишлоқ хўжалиги конкрет экономикасини пухта билиб олиш асосидагина хўжаликка тўғри раҳбарлик қилиш мумкин эканлиги барча кадрларимизга тўла равшан бўлмоғи керак.

Кадрларимизнинг иқтисодий назарияни, ишлаб чиқаришнинг конкрет экономикасини пухта эгаллаб олишларидек муҳим ишни ташкил этиш ва ўтказишда раҳбарликни ва қироатхонликни қатъий равишда улоқтириб ташлаш, иқтисодий билимларни коммунизм қурилишининг буюк вазифалари билан чамбарчас боғлаб ўргатиш — барча партия ташкилотлари олдига қўйилган муҳим вазифадир.

Марксча-ленинча сиёсий иқтисодни, конкрет экономикани пухта эгаллаб олиш — кадрларимизни ғоявий жиҳатдан янада чиниқтиришда, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш савиясини тинмай такомиллаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Партия ташкилотлари хўжалик ва маданий қурилишимизда ишлаётган барча кадрларимизга иқтисодий билимларни пухта ўргатиш билан буюк коммунизм қурилиши ишига ғоят катта ҳисса қўшган бўладилар.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Германия Демократик Республикасининг ГДР Бош Министри Отто Гротеволь бошчилигидаги Ҳукумат делегацияси Москвада олиб борилган музокаралардан кейин 18 июль эрталаб ўз юртига жўнаб кетди.

Марказий аэродромда делегацияни Н. А. Булганин, Г. М. Маленков, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, Н. С. Хрушчев, Г. К. Жуков, Л. И. Брежнев, Д. Т. Шепилов ўртоқлар ва бошқа расмий шахслар кузатиб қолдилар.

Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Отто Гротеволь микрофон олида нутқ сўзлади.

Москва меҳнаткашларининг аэродромга келган жуда кўп вакиллари немис меҳмонлар билан самимий хайрлашадилар. Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ўртоқлар Отто Гротевольнинг, Вальтер Ульбрихтнинг ва ГДР Ҳукумат делегацияси бошқа аъзоларининг қўлларини дўстларча қисиб хайрлашадилар, уларни самолётларгача кузатиб борадилар. Орадан бир неча минут ўтгач, самолётлар ҳавога кўтарилади. (ТАСС).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ Н. А. БУЛГАНИНГА

Ғоят ҳурматли ўртоқ Раис, СССР территориясидан кетатуриб ГДР ҳукумат делегациясидан ва ГДР аҳолисидан Сизга ва СССР ҳукуматига самимий миннатдорчилик билдираман. ГДР аҳолиси ва барча тинчликсевар немислар бизнинг музокараларимиз натижаларини табриклаб, бу натижаларни халқларимиз ўртасидаги бузилмас дўстликнинг янги далили деб ва ГДР нинг тинчлик, демократия, социализм учун ҳамда Германияни тинч демократик асосда бирлаштириш учун олиб бораётган курашига СССР халқларининг чуқур хайрихоҳлигини исбот этувчи аниқ далил деб билмоқдалар.

Отто ГРОТЕВОЛЬ—ГДР Бош Министри.

18/VII—56 йил.

Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси Ҳукумат делегациялари ўртасида олиб борилган музокараларнинг натижалари тўғрисида

БАЁНОТ

1956 йил 16-17 июлда Москвада Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси Ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар олиб борилди.

Музокараларда совет томонидан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг Аъзоси Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосарлари В. М. Молотов ва М. Г. Первухин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. М. Маленков, СССР Мудофаа министри Г. К. Жуков, СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. И. Брежнев ва СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Г. М. Пушкин қатнашдилар.

Музокараларда Германия Демократик Республикаси томонидан ГДР Бош Министри О. Гротеволь, ГБСП Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ва Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари В. Ульбрихт, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Миллий мудофаа министри В. Штоф, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва саноат ҳамда транспорт масалалари билан шуғулланувчи комиссиянинг раҳбари Ф. Зельбман, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари О. Нушке, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. Лох, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи комиссиянинг раҳбари П. Шольц, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Л. Больц ва ГДРнинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Н. Кёниг қатнашдилар.

Дипломатик йўл билан ва тегишли экспертларнинг ишлари билан тайёрланган музокаралар давомида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳамда қардошларча ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Музокаралар тўла ҳамжиҳатлик ва самимият вазиятида ўтди, шу билан бирга, муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан бамаслаҳат бир битимга келинди. Шу нарса якдиллик билан қайд қилиндики, «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатлар тўғрисида Шартнома» асосида (бу Шартнома 1955 йил 20 сентябрда тузилган эди) ҳар иккала давлат ўртасида ҳуқуқий тенглик, суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш ва ички ишларга аралашмаслик принципларига тамомила мувофиқ равишда ҳар томонлама дўстона алоқалар муваффақиятли суратда ривожланмоқда.

Совет Иттифоқи Ҳукумати ва Германия Демократик Республикаси Ҳукумати Германия Демократик Республикасининг экономикасини янада ривожлантиришга ва Германия Демократик Республикаси аҳолисининг моддий фаровонлигини оширишга ёрдам бериш йўлидаги интилишга амал қилиб, мазкур Шартномага мувофиқ, ГДР томонидан ажратилган пул маблағларининг Германиядаги совет қўшинларини таъминлаш учун ажратилган қисмини 1957 йил 1 январдан бошлаб 1.600 миллион маркадан йилига 800 миллион маркагача камайтириш тўғрисида битимга келдилар. Германиядаги совет қўшинларини таъминлаш учун бўладиган харажатларни қоплашда Германия Демократик Республикаси ҳиссасининг ярми камайтирилганлиги Совет Иттифоқи қуролли кучларининг анча камайтирилганлиги билан, шу жумладан Германияда жойлашган совет қўшинлари сонининг камайтирилганлиги билан ва шу муносабат билан ҳарбий эҳтиёжларга бўладиган барча харажатларнинг камайтирилганлиги билан боғлиқдир.

Томонлар 1956 йилда амалда бўлган Савдо битимидан ташқари бир-бирларига товар етказиб беришни анча кўпайтириш тўғрисида, шу жумладан ГДРга зарур бўлган товарларни жаҳон бозорида сотиб олиш учун Совет Иттифоқининг Германия Демократик Республикасига эркин валюта бериши ҳақида ҳам бир битимга келганликларини, шунингдек ГДРга енгил шартлар билан узоқ муддатли кредит бериш ҳақида бир битимга келганликларини таъкидладилар.

Ҳар иккала мамлакат ўртасида ўзаро фойдали шартларда иқтисодий ҳамкорлик қилишга доир бошқа баъзи муҳим масалалар ҳам қараб чиқилди. Томонлар ГДР саноатининг ишлаб чиқариш қувватларини иш билан энг тўла ва рационал таъминлашга ва ҳозирги замон техникаси даражасига муносиб бўлган машина ҳамда асбоб-ускуналарни, шунингдек бошқа маҳсулот ва материалларни ўзаро етказиб беришни кўпайтиришга қаратилган бир қанча тадбирларни кўриш тўғрисида битимга келдилар.

Музокаралар давомида ўзаро келишилган ва иқтисодий характерда бўлган барча тадбирларни амалга ошириш натижасида Германия Демократик Республикаси 1957-1960 йиллар мобайнида ўз халқ хўжалигини ривожлантириш учун қўшимча равишда кўпроқ ресурсларга эга бўлади.

Германия Демократик Республикасининг Ҳукумат Делегацияси музокаралар давомида айтдики, ГДРнинг ўз халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари ва Совет Иттифоқи ҳамда халқ демократияси мамлакатлари томонидан Республиканинг қардошларча қўллаб-қувватланаётганлиги ГДР меҳнаткашларига социализм қуриш йўлида, мамлакатнинг экономикасини юксалтириш ва халқнинг фаровонлигини янада ошириш йўлида янги катта қадам қўйиш имконини беради.

Томонлар Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасида илмий ва маданий алоқаларнинг ривожланиб бораётганлигидан мамнун эканликларини билдирдилар. Ҳар иккала мамлакат ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик қилиш тўғрисида 1956 йил апрель ойида тузилган битим маданият, фан ва техника соҳасидаги муваффақиятлардан шу вақтгача бўлганидан кўпроқ ўзаро фойдаланиш имконини беради. СССР ва ГДРдаги илмий муассасалар ҳамда фан ва техника арбоблари ўртасидаги алоқаларни янада кўпроқ кенгайтиришга, илмий-техника ахборотини кун сайин айирбошлашга, бир-бирларига студентлар юбориб туришга ҳамда ҳар иккала давлат фан ва техникасини самарали юксалтиришга имконият туғдирадиган бошқа тадбирларни амалга оширишга бутун чоралар билан ёрдам бериш мақбул деб топилди.

Ҳар иккала Ҳукумат Германия Демократик Республикасида 100 минг киловаттгача қуввати бўлган атом электростанцияси қуриш билан боғланган масалалар юзасидан битимга келди. Ана шу битимга мувофиқ, Совет Иттифоқи атом электростанцияси проектини тузишга ёрдам беради ва зарур бўлган машина-ускуналар ҳамда материалларни Германия Демократик Республикасига етказиб беради. Бу масала ҳақидаги битим ҳар иккала давлат Ҳукуматларининг вакиллари томонидан шу Баёнот имзоланган вақтда имзоланди.

Музокаралар давомида ҳар иккала Томонни қизиқтираётган халқаро масалалар юзасидан ҳар томонлама фикр олишилди. Энг муҳим халқаро проблемалар юзасидан ҳар иккала томоннинг фикри бир хил эканлиги аниқланди.

Томонлар якдиллик билан шу фикрни изҳор қиладиларки, кейинги вақтларда халқаро кескинликнинг юмшаганлиги қуролсизланиш масаласи юзасидан ва умумЕвропа хавфсизлигини таъминлашга қаратилган амалий тадбирларни кўриш тўғрисида давлатлар ўртасида ва, биринчи галда, буюк давлатлар ўртасида битим тузиш учун қулай вазият вужудга келтиради. Буюк давлатларнинг қуролли кучларини камайтириш, атом ва водород қуролини сўзсиз тақиқлаш, бу тадбирларнинг амалга оширилишини самарали контроль қилиб туриш халқаро вазиятни янада яхшилашга, давлатлар ўртасида ишонч ва ҳамкорликни кучайтиришга шубҳасиз ёрдам берган бўлур эди. Ҳар иккала Ҳукумат баъзи давлатларнинг қуролсизланиш проблемасини қандайдир дастлабки шартларга боғлиқ қилиб қўйиш йўлидаги уринишлари қуролсизланиш проблемасини ҳал этишга ҳам, бошқа сиёсий проблемаларни ҳал этишга ҳам фақат халақит бериши мумкин, деб ҳисоблайди.

Германия Демократик Республикаси Ҳукумати томонидан ГДР миллий халқ армияси сонини камайтириш соҳасида яқинда кўрсатилган ташаббус, ГДР Ҳукуматининг Шарқий Германиядаги ва Ғарбий Германиядаги қуролли кучлар сонини чеклаш тўғрисидаги ва Германия территориясида атом қуролини жойлаштиришни тақиқлаш ҳақидаги таклифи, шунингдек ГДР Ҳукуматининг Германиядаги кескинликни камайтириш манфаатларини кўзлаб амалга оширган бошқа тадбирлари немис халқи учун ҳаётий муҳим бўлган масалалар юзасидан Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатишда реал имкониятларни вужудга келтиради.

СССР ва ГДР Ҳукуматлари шуни ҳам таъкидлайдиларки, Ғарбий Германияда немис халқининг хоҳишига хилоф суратда умумий ҳарбий мажбуриятнинг жорий қилиниши герман халқининг миллий проблемаларини ҳал этишни жиддий суратда қийинлаштиради, Германиядаги ва умуман Европадаги сиёсий вазиятни юмшатишга халақит беради. Бунинг учун жавобгарлик Германия Федератив Республикасининг ҳозирги ҳукумати устига тушади.

Совет Иттифоқи кейинги вақтларда Германиядаги совет қўшинлари сонини 50 минг кишидан ҳам кўпроқ камайтирганлигини эътиборга олиб, СССР Ҳукумати ва ГДР Ҳукумати АҚШ, Англия ва Франция Ҳукуматларига мурожаат қилиб, ГФР территориясидаги ўз қўшинлари сонини ҳам камайтиришга чақирадилар. Бундан мақсад — чет эл қўшинларини Германия территориясидан тамомила олиб чиқиб кетиш тадбирини бундан буён ҳам амалга оширишдан иборат. Совет Иттифоқи Ҳукумати ва Германия Демократик Республикаси Ҳукумати шу нарсага аминдирларки, ҳозирги вақтда, яъни уруш тамом бўлганидан 11 йил ўтгач, халқаро миқёсда кўпчилик томонидан танилган суверен герман давлатлари мавжуд бўлган бир шароитда Германия территориясида чет эл қўшинларини сақлашни нормал бир ҳол деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Германия Демократик Республикаси Ҳукумати бутун герман халқининг манфаатларига амал қилиб, ўзининг бутун фаолиятида эркин, тинчликсевар, демократик давлат сифатида Германияниинг миллий бирлигини тиклашга ҳаракат қилажагини билдирди.

Совет Ҳукумати Германия Демократик Республикаси Ҳукуматининг немис халқининг ҳаққоний миллий орзув ва тилакларини ифода этадиган ана шу интилишини яхши тушуниб, бунга хайрихоҳлик билан қараётганлигини ва миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқидан иборат ленинча принципга ўз сиёсатида доим амал қилиб, Германия давлатининг бирлигини тиклаш герман халқининг ўз иши деб ҳисоблаётганлигини айтди.

Томонлар тамомила якдиллик билан шу нарсани изҳор қиладиларки, ҳозирги шароитда Германияни бирлаштиришда ҳар иккала герман давлати — Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси Ҳукуматлари ўртасида бевосита музокаралар олиб бориш ва битимга келиш йўлидан бошқа йўл йўқ.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати ва Германия Демократик Республикаси Ҳукумати ишонч билдириб айтадиларки, музокаралар давомида уларнинг биргаликда қабул қилган қарорлари Совет Иттифоқи билан социалистик тараққиёт йўлига мустаҳкам суратда ўтиб олган Германия Демократик Республикаси ўртасида дўстлик ва қардошларча ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради ва Европада тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса қўшади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати номидан
СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. БУЛГАНИН

Германия Демократик Республикаси Ҳукумати номидан
ГДР Бош Министри Отто ГРОТЕВОЛЬ

Москва, 1956 йил 17 июль.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Ўрта Чирчиқ район колхозларида ғўза парваришининг бориши тўғрисида

Ўзбекистон КП область комитетининг бюроси Ўрта Чирчиқ районида ғўза парваришининг бориши тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, шуни қайд қилдики, район ташкилотларининг раҳбарлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг «Июль ойида ғўза парвариши ишларини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган чораларни кўрмаганлар. Кўпчилик майдонлардаги ғўзалар ҳали ҳам қониқарсиз аҳволда. 3 минг гектарга яқин майдондаги ғўзалар 10-20 кун ривожланишдан кейинда қолмоқда. 700 гектардаги ғўза бегона ўтлардан тозаланмаган. Дала ишлари графиги системали равишда бажарилмай қолаётир. Масалан, июлнинг биринчи ўн кунлигида ғўза қатор ораларини узунасига ишлаш графиги 69 процент, кўндалангига ишлаш графиги 47 процент, чопиқ қилиш графиги 76 процент ва озиқлантириш графиги 68 процент бажарилган. Ильич номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Сталин номли, Калинин номли колхозларда ғўза парвариши айниқса қониқарсиз олиб борилмоқда.

Кўпгина колхозлар сув билан тўла таъмин этилишларига қарамасдан ғўзани чанқатиб қўймоқдалар, натижада ғўзанинг гул ва тугунчалари тўкилаётир. Колхозларда сувдан рационал фойдаланилмаётир, айрим колхозларда ғўза кечалари суғорилмайди, сувчилар иши устидан контроль олиб борилмайди, бунинг устига уларнинг нормал ишлашлари учун шароит туғдириб берилмаган.

Кўпгина майдонларда ғўзада қишлоқ хўжалик зараркунандалари тарқалганлигига қарамасдан район партия комитети, район ижроия комитети, МТС ва колхоз правленилари ўсимликни дорилаш ва ўргумчаккана уясини тамомила йўқ қилиб юбориш учун зарур чораларни кўрмаганлар. Натижада зараркунандалар ҳосилга жиддий зарар етказмоқда.

Ғўза парваришида жиддий камчиликларнинг юз беришига сабаб шуки, колхозчилар, МТС ва район ташкилотлари ходимлари ўртасида меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Масалан, дала ишларига планда белгиланган кишиларнинг 50-60 проценти қатнашаётир; кўпгина колхозчилар кунлик иш нормаларини бажармайдилар. Бироқ район партия комитети, район ижроия комитети, колхоз правленилари камчиликларга нисбатан муросасозлик қилиб, уларни тугатиш учун ҳеч қандай чора кўрмаётирлар.

Мўл ҳосил етиштириш учун курашда трактор паркининг бетўхтов ишлаши катта аҳамиятга эга. Лекин МТСларнинг директорлари ва бошқа раҳбар ходимларнинг айби билан ҳар хил ташкилий-техник камчиликлар туфайли кўпгина универсаллар кун бўйи бекор туриб қолмоқда.

Район партия комитети ва колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари колхозчилар ва тракторчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни жуда суст олиб бормоқдалар, улар учун нормал маданий-маиший шароит яратиб бермаганлар. Далачилик бригадаларида иссиқ овқат тайёрланмайди, болалар боғчаси, ясли ва майдончалари ишлари яхши йўлга қўйилмаган.

Область партия комитетининг бюроси ғўза парваришининг қониқарсиз боришига район партия комитетининг секретарлари Ғаниев, Ковешников, район ижроия комитетининг раиси Сотиболдиев ўртоқлар айбдорлар деб ҳисоблайди. Чунки улар хотиржамлик ва беғамлик кайфиятига берилиб кетиб, колхозлардаги аҳволга танқидий назар билан баҳо бермаётирлар, партия ташкилотларини, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг 1956 йил 25 июндаги қарорини бажаришга сафарбар этмаётирлар.

Область партия комитетининг бюроси район партия комитетидан, район ижроия комитетидан, МТСларнинг директорлари ва партия ташкилотларининг секретарларидан, колхозларнинг правленилари ва партия ташкилотларидан ғўза парвариши ишларида юқорида кўрсатилган камчиликларни тезда бартараф қилиш тадбирларини кўришни талаб этди. Бунинг учун 15 июлдан 15 августгача ғўза қатор оралари 1,5-2 марта узунасига, 1-1,5 марта кўндалангига культивация, 1-1.5 марта чопиқ қилиниши ва 2-3 марта суғорилиши керак. Июль ойида ўргумчаккана тарқалган барча ғўзаларни сифатли қилиб дорилашни таъминлаш билан бирга 15 августгача ҳар гектар майдондаги ғўза 2-3 тонна маҳаллий ўғит билан озиқлантирилиши зарур. Ғўза парваришида ишлаётган колхозчилар сони 1,5 баравар кўпайтирилиши, дала шийпонлари жиҳозланиши ва уларда иссиқ овқат тайёрланиши зарур.

Район ижроия комитети ва район партия комитетига қишлоқ хўжалик артели Уставига риоя қилиш, жамоат меҳнатидан четланаётган ва иш нормаларини сабабсиз бажармаётган шахсларга нисбатан тегишли чора кўриш юзасидан қаттиқ контроль қилиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети қарорида ғўза парвариши юзасидан белгиланган топшириқларнинг бажарилишини таъминламаганликлари учун, меҳнат, партия ва давлат интизомини бўшаштириб юборганликлари учун район партия комитетининг бюросига виговор эълон қилинди. Ғаниев, Ковешников ва Сотиболдиев ўртоқлар ҳамда райкомнинг бошқа бюро аъзолари огоҳлантирилдиларки, агар улар колхозларда юз берган ҳозирги аҳволни тезда бартараф қилиш чораларини кўрмасалар, область партия комитетининг бюроси бу ўртоқларга нисбатан янада қаттиқроқ чора кўриш масаласини қўяди.

Ғўза парвариши ишларини системали равишда ўпирилишда қолдириб келаётганликдари учун Сталин номли колхознинг раиси ўртоқ Кусаевга ва «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг раиси ўртоқ Цой Ин Гукга қаттиқ виговор эълон қилинди. Агар улар тез кунларда ўз хатоларини тузатмасалар янада қаттиқроқ партиявий жазога тортилажаклари ҳақида огоҳлантирилди.

Ильич номли колхоз раиси ўртоқ Зокиров колхозга ёмон раҳбарлик қилаётганлиги тўғрисида қилинган кўпгина огоҳлантиришлардан тегишли хулоса чиқармаганлиги учун унинг бундан кейин колхоз раҳбарлик ишида қолиш-қолмаслиги масаласини колхоз партия ташкилоти ва колхозчилар умумий йиғилишида муҳокама қилиш район партия комитети ва район ижроия комитетига топширилди.

Район партия комитетига Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг 25 июндаги қарорининг бажарилиши ҳақидаги масалани район партия активи йиғилишида муҳокама қилиш, бу қарорнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Областимиз меҳнаткашлари СССР Олий Советининг қарорларини якдиллик билан маъқулламоқдалар

☆ ☆

Катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар

Тошкент аравасозлик заводининг ишчи ва хизматчилари СССР Олий Совети бешинчи сессиясининг материалларини қизғин муҳокама қилмоқдалар. Коммунизм қуриш соҳасидаги ғоят катта ижодий иш билан шуғулланаётган Совет давлатининг тинчликсеварлик сиёсатини акс эттирган ва сессияда қабул қилинган ҳужжатларни коллективнинг ҳар бир аъзоси астойдил маъқулламоқда.

Слесарь Болтабой Мусаев сессия материалларн билан танишиб чиққач бундай деди:

— Бизнинг ҳукуматимиз бир неча ўн йилдан буён халқлар тинчлиги ва ҳавфсизлиги учун ғайрат билан курашиб келмоқда. СССР қуролли кучларини анча камайтириш тўғрисидаги яқинда қабул қилинган қарор бунинг янги далилидир. СССР Олий Совети қуролсизланиш тўғрисида ҳамма мамлакатларнинг парламентларига каратилган мурожаатида, шунингдек япон парламентининг ядро қуролини тақиқлаш ва уни синаб кўришни тўхтатиш тўғрисидаги мурожаати муносабати билан қабул қилган Баёнот барча совет кишиларининг якдиллик билан билдираётган фикрини ифода қилди. Эндиликда сўз бошқа мамлакатларнинг парламентларида қолди. Халқлар улардан қуролланишни тўхтатиш соҳасида амалий чоралар кўришни кутмоқдалар.

Энг кекса ишчилардан бири токарь Николай Коркин касбдош ўртоқлари билан суҳбатда бундай деди:

— Бизнинг мамлакатимизда атом энергиясидан тинч қурилиш ишларида фойдаланилмоқда. Бу соҳада ҳамма мамлакатларга намуна бўлмоқда ва ядро қуролини ишлаб чиқаришни ва қўлланишни тўла тақиқлаш учун курашмоқдамиз. Аммо Совет Иттифоқининг бу ташаббусини ғарбдаги баъзи давлатларнинг ҳукуматлари, айниқса АҚШ ҳукумати қўллаб-қувватламаётир. Бундай мамлакатларнинг ҳукуматлари ўз баёнотларида ўзларини атом қуролини тақиқлаш тарафдори қилиб кўрсатишга интилмоқдалар. Бироқ, уларнинг сўзи билан иши бир-бирига тўғри келмаётир. АҚШ, Англия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг халқлари ўз ҳукуматларидан одамларни ялпи қирадиган қуролни ишлаб чиқаришни ва синаб кўришни тўхтатиш юзасидан амалий чоралар кўришни талаб этишлари лозим.

(ЎзТАГ).

Буюк ғамхўрлик

Гражданларнинг қариб қолганларида, меҳнат қобилиятларида иқтисодларида ва касал бўлиб қолганлари тақдирда уларни моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида СССР Олий Совет сессияси қабул қилган «Давлат пенсиялари тўғрисида Қонун» республика меҳнаткашлари томонидан баланд руҳ билан кутиб олинди.

Меҳнат қобилиятини йўқотган пенсионер ёзувчи—Парда Турсун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқимизга қилаётган буюк ғамхўрлигидан миннатдор бўлиб бундай деди:

— Инсоният тарихида меҳнаткаш халқ ҳеч қачон ҳозиргидек ғамхўрликдай улуғ меҳрибонликни кўрган эмас. Энди меҳнаткаш халқ ўз келажагининг таъминланганлигига аминдир. Партия ва Ҳукуматимизнинг, пенсия ҳақидаги бу Қонуни мени ниҳоятда қувонтирди. «Давлат пенсиялари тўғрисида Қонун» совет кишиларига қилинаётган чексиз ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Партия ва Ҳукуматимизнинг бу олижаноб меҳрибонлигидан ёзувчиларимиз беҳад қувонмоқдалар.

З. АБДУЛЛАЕВ.

Партия ва ҳукуматдан миннатдормиз

Тошкентдаги 1-босмахона ишчи ва хизматчилари Давлат пенсиялари тўғрисидаги СССР Олий Советининг Қонунини зўр қувонч билан кутиб олдилар. Агитаторлар цехларда бу тарихий ҳужжатни ўқиб эшитдирмоқдалар.

Босмахонани ташкил этишда актив қатнашганлардан Абдураҳмон Саидбоев, Эшонқул Қодиров, Акбар Шомуротов каби кекса ишчилар бу қонун билан танишиб чиққач, партия ва ҳукуматимизга ўзларининг миннатдорчиликларини билдирмоқдалар. Электромонтер Эшонқул Қодиров коллективнинг фикрини ифодалаб бундай дейди:

— 66 га кирдим, шу босмахонада 1908 йилдан буён ишлаяпман. Лекин ҳали тетикман, бундан кейин ҳам ишлашга куч-қувватим етади. СССР Олий Советининг Давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонуни ҳаммамизни қувонтирди. Мен ҳозир иш ҳақимдан ташқари ойига 300 сўм пенсия оламан. Янги қонунга кўра мен ойига 600 сўмдан ортиқ пенсия оламан. Давлат томонидан бериладиган бу маблағ оила аъзоларим билан фаровон ҳаёт кечиришимиз учун бемалол етади.

Ж. АБДУРАҲМОНОВ.

Қариялар қувончи

Тошкентдаги «Радиодеталь» заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари СССР Олий Совети сессиясида қабул қилинган давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонунга жавобан иш суръатини тобора оширмоқдалар. Корхона агитаторлари цех ва участкаларда бу тарихий ҳужжатга бағишланган суҳбатлар ўтказмоқдалар.

— Мен,—дейди бухгалтер Ўртоқ Ф. Громова,—барча совет кишилари билан бир қаторда давлат пенсиялари ҳақидаги Қонунни ўқиб, жуда хурсанд бўлдим.

Совет кишилари ўзларининг эртаги кунига қаттиқ ишонгандирлар. Менинг ёшим 56 да. Янги Қонун бўйича мен пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгаман. Давлат мени ишламасам ҳам ҳар ойда 750 сўм пул билан таъминлайди. Бу маблағга оилам билан бемалол яшай оламан. Бироқ ишлаб чиқаришдан ажралгим йўқ.

Инструменталь цехининг мастери 66 ёшли Наум Подольский айниқса ҳаяжонланиб гапиради.

— Бу тарихий ҳужжат,—дейди у,—кўпчилик қатори мени ҳам ғоят руҳлантириб юборди. Бу ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматимиздан чексиз миннатдорман.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПАРТИЯ ОЛИЙ МАКТАБИНИ ЯНА БИР ГРУППА ТИНГЛОВЧИЛАР ТАМОМЛАБ ЧИҚДИ

17 июлда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия олий мактабини яна бир группа тингловчилар тамомлаб чиқди. Булар орасида Совет Иттифоқида яшовчи миллатлардан 34 миллатнинг вакиллари бор. Мактабни тамомлаб чиққан кишиларнинг катта бир группасини халқ демократияси мамлакатларидаги партия комунистик ва ишчи партияларнинг аъзолари ташкил этади.

Мактабни тамомлаб чиққанларнинг кўпчилиги мамлакатдаги турли республикалар, ўлка ва областларнинг районларида раҳбар партия ва совет ишларига юборилади. Бу эса КПСС Марказий Комитетининг партия XX съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан район звеносини мустаҳкамлаш тўғрисида гамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи далилларнинг биридир.

Шу ўқув йили мобайнида партия, совет ва газета ходимларидан 1.500 дан ортиқ киши партия олий мактабининг сиртқи бўлимини тамомлади.

Тингловчиларни чиқаришга бағишланган йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Л. И. Брежнев ва Н. Н. Поспелов ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Йиғилиш ғоят баланд руҳ билан, жанговор пролетар интернационализми шиори остида ўтди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев йиғилишда КПСС Марказий Комитети номидан табрик нутқи сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига табрикнома қабул қилдилар (ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ Г. К. ЖУКОВ ИТАЛИЯ ПАРТИЗАНЛАРИ БИЛАН СУҲБАТ ҚИЛДИ

Совет Иттифоқи маршали Ўртоқ Г. К. Жуков 18 июлда Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Италия партизанлари делегациясини қабул қилди. Делегация составида қуйидагилар бор: Арриго Болдрини (делегация бошлиғи), Вальтер Нероцци, Владимиро Росси, Джермо Солари, Марио Андреис, Джангуило Боргези, Антонио Дизокколи, Альберто Козаттини ва Дино Роберто.

Маршал Жуков Италия партизанлари Миллий ассоциациясининг вакилларини Совет Иттифоқи Қуролли кучлари номидан самимий табриклади.

Делегатлар Совет Иттифоқи ва совет халқи тўғрисида олган таассуротларини сўзлаб бердилар. Улар Совет Иттифоқининг фашистларга қарши шафқатсиз урушдан кейин халқ хўжалигини тиклаш соҳасида эришган катта муваффақиятларига, шунингдек 2- жаҳон урушида совет халқининг фашист босқинчиларга қарши олиб борган қаҳрамонона курашига қойил қолганликларини айтдилар.

Ўртоқ Г. К. Жуков суҳбат вақтида фашист қуролли кучларига қарши кураш моментларига тўхталиб ўтди ва дедики, совет халқи ўтган урушда ва хусусан урушнинг биринчи даврида кўп талафот берди. Совет халқи уруш вақтида вайрон қилинган халқ хўжалигини тиклаш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилди ва бу соҳада катта муваффақиятларга эришди. Совет халқи ўз Ватанининг бахт-саодати йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилишни давом эттирмоқда, бутун дунёда тинчлик учун тинмай кураш олиб бормоқда ва бундан буён ҳам кураш олиб боради.

Маршал Жуков барча халқлар тинчликни истаётганликларига ва тинчлик учун биргалашиб кураш олиб боражакларига ишонганлигини айтди.

Делегация суҳбатнинг охирида Совет Армиясининг фашист қуролли кучлар устидан қозонган ғалабасини нишонлаш юзасидан Италия партизанларининг Олтин Юлдуз медалини қабул қилишни ва ўзини Италиянинг фахрий партизани деб ҳисоблашни Маршал Жуковдан сўради.

Ўртоқ Г. К. Жуков бу медаль учун самимий ташаккур изҳор қилди ва Италия партизанларининг Миллий ассоциациясига катта ташаккур ва Итальян халқига энг яхши истаклар топширишни сўради.

Делегация аъзоси Дино Роберто Гарибальдининг сурати тасвирланган икки қадимий медални сақлаш учун Маршал Жуковга топширди. Робертонинг буваси 1870 йилда Гарибальди томонидан олиб борилган жангларда қозонган ғалаба учун ана шу медаллар билан мукофотланган эди.

Дино Роберто медалларни топширар экан, бундай деди:

Мен оиламнинг ана шу ёдгорликларини Сизга сақлаш учун топшириб, бу ёдгорликлар менинг ўз уйимда сақлангандай бўлади, деб ҳис қиламан.

Маршал Жуков Дино Робертога самимий ташаккур изҳор қилди ва ана шу медаллари мукаддас билиб сақлайман, деб ваъда берди.

Дала шийпонларида

Чиноз районидаги Сталин номли колхознинг бригадаларидаги дала шийпонлари маданий дам олиш ва сиёсий агитация марказига айлантирилган. 7-бригада дала шийпони айниқса сўлим ва дилхуш бўлган. Бу ердаги қизил бурчакда бадиий, сиёсий ва қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар бор. Бригада пахтакорлари Ойбекнинг «Олтин водиман шабодалар», Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар», Иброҳим Раҳимовнинг «Ҳаёт булоқлари» асарларини қизиқиб ўқимоқдалар. Бу бригаданинг дала шийпонига агитатор В. Ғаппоров тез-тез келиб туради. Яқинда агитатор Ғаппоров партия Марказий Комитетининг «Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида» деб чиқарган қарори ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг «Июль ойида ғўза парваришини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан суҳбатлар ўтказди.

ХОВОС РАЙОНИ ҒАЛЛА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Ховос район колхозлари КПСС XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошираборнб барча экинлар ҳосилини ошириш учун курашмоқдалар. Дала ишлари қулай муддатларда зўр уюшқоқлик билан ва тез олиб борилмоқда. Ана шунинг натижасида район колхозлари шу йил 19 июлда, яъни ўтган йилга қараганда 20 кун олдин давлат ғалла тайёрлаш планини 100.5 процент қилиб бажардилар. Давлат омборларига ғалла келтириш давом этмоқда.

Район колхозлари ўз имкониятларини тўла ҳисобга олиб, давлатга яна 12 минг пуд ғалла топшириш мажбуриятини олдилар.

Шу кунларда барча колхозчилар ва МТС механизаторлари баҳори экинлар ҳосилини 5 августга қадар тўла-тўкис йиғиб-териб олиш учун социалистик мусобақани янада кучайтириб юбордилар.

БРИГАДА БОШЛИҒИ

Дарвозадан ичкари киришингиз билан ўзингизни фабрикада эмас, балки шинам хиёбонда, маданият ва истироҳат паркида юргандек ҳис қиласиз. Йўл четига қатор-қатор ўтқазилган турли дарахтлар ҳамма ёққа соя солган. Кўмкўк барг ёзиб турган декоратив ўсимликлар, ранг-баранг тобланиб очилиб турган ва атрофга ҳушбўй ҳид таратаётган хилма-хил гуллар, дарахтларнинг шохига бекиниб олиб гулларнинг ҳиди ва ҳуснига мас бўлиб тинмай сайраб турган қушлар овози, гулзор ўртасида зарб билан ҳар тарафга феруза сув сочаётган фонтан, текис, салқин ва чиннидек тоза йўллар... буларнинг ҳаммаси ҳар бир киши қалбида завқ-шавқ уйғотади. Йўл юриб бироз чарчаб келган киши ҳушманзара сой-салқин жойдаги скамейкалардан бирида бир неча минут ўтиргач, кайфияти яхшиланиб, хордиқ чиқаради, сўнг иш участкасига томон янги куч, янги ғайрат билан йўл олади.

Кираберишда дарҳол кўзга ташланадиган жойга фабрика ҳурмат тахтаси ўрнатилган. Унда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаган ҳолда унинг таннархини камайтириш, мавжуд ускуналар қувватини янада ошириш, электр энергияси, каноп толаси каби турли хил ресурсларни имкони борича тежаш — умуман фабриканинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини мумкин қадар юқори кўтариш учун курашда ҳаммадан кўпроқ жонбозлик кўрсатаётган кишиларнинг портретлари қатор-қатор тизиб қўйилган. Ҳурмат тахтасининг ўртасига ёпиштирилган расм тагига катта ҳарфлар билан «Хайри Исроилова, йигирув цехининг бригада бошлиғи» деб ёзиб қўйилган. Бу қизнинг иссиқ истараси киши диққатини ўзига жалб этади.

Мана шу қиз ишлайдиган йигирув цехи. Кенг ва ёруғ цехга қатор-қатор қилиб ўрнатилган станоклар ва турли моторларнинг гуриллаши йигирувчи қизжувонларнинг шўх қўшиқлари, ҳазил тонфа ҳайқириқ-чақириқлари билан қўшилиб меҳнатга чақирувчи садо бўлиб эшитилади. Машиналар атрофида парвона бўлиб юрганлар орасида Хайринисони таниб олиш унча қийин эмас. Эгнига ихчам ҳалат, оёғига енгил тапочка кийиб олган буғдой ранг, шаҳло кўз, лўппидан келган бу қиз дам йигирув машинасининг ҳаракатини синчиклаб кузатиб қолади, дам ленточница қиларнинг ёнига бориб уларнинг ишини суриштириб кетади, дам упаковкачи Наумовадан кундалик графикнинг қандай бажарилаётганини сўраб, унга нималарнидир уқтиради.

Иш процессида унинг ҳаракатларини синчиклаб кузатиб турган киши бу қизнинг йигирувчилик касбининг моҳир устаси бўлиб олганлигини, мураккаб йигирув машиналарини миридан сиригача мукаммал ўзлаштирганлигини осонлик билан сезиб олади. Унинг участкасидаги машиналар бир меёрда аварияси ишламоқда. Йигириб тайёрланган қалаваларнинг ярмиқларга жойланиб, пешмапеш жўнатилиб турилибди.

Хайри жўнатилган яшчиклар сонини ҳисоблар экан, соат сайин мўлжалдагидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилаётганидан қувонарди. У бошқараётган бригада ҳар куни смена топшириғини ошириб бажаради. Бригада аъзолари ўтган ойда топшириқни 135 процент қилиб бажаришга сўз берганлар эдилар. Улар мажбуриятди 160 процентга етказиб адо этдилар.

— Бу қиз етти йилдан бери шу ерда ишлайди. Ҳозир уни танимайдиган ва номини ҳурмат билан тилга олмайдиган биронта ҳам киши йўқ, — дейди цех мастери Паромонова. — У, цехдаги ҳамма операцияларни жуда яхши билади. Бригадага ишни яхши ташкил этиши, иш жойи ва машиналарни озода тутиши, узилган ипларни чаққон улаши ва ғалтакни рагулькага тез ўрнатиш усулларини кенг қўлланиши, қизларни усталик билан ишга сола билганлиги туфайли Хайрихон ишда бошқаларга ўрнак бўлиб келмоқда. Кўрган бўлсангиз, унинг номи завод «Ҳурмат тахтаси»га ҳам, шаҳар «Ҳурмат тахтаси»га ҳам ёзилган. 1954-1955 йиллари эса ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун икки марта Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ҳалол меҳнат бахт келтиради, деб шуни айтадилар-да.

Д. АЮПОВА,
М. САИДОВА.

Тошкент канап-йигирув фабрикаси.

Мусобақа илғорлари

«Ўзбекуголь» трестига қарашли 9-шахта коллективи йил бошидан бери ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда. Бу ерда ўзаро социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Шунинг учун ҳам шахтанинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари ой сайин ортиб бормоқда. Масалан, ўтган ойда кўмир қазиб чиқариш топшириғи 10.4 процент ортиғи билан бажарилди, шахтёрларнинг меҳнат унумдорлиги 14 процент ошди.

Яқинда шахта комитети участкалар ўртасидаги социалистик мусобақанинг натижаларини якунлади ва бир ойда планга қўшимча равишда 3,5 минг тонна кўмир берган 4-участка коллективига шахта кўчма Қизил байроғини беришга, ўртоқ Асанов бошлиқ новалоотбойчилар бригадасига шахта вимпелини ҳамда 1000 сўм миқдорида пул мукофоти беришга қарор қилди.

Коммунистик партия раҳбарлиги—Совет давлати куч-қудратининг энг муҳим манбаидир

Октябрь революциясининг ғалабаси натижасида вужудга келган Совет социалистик давлати сал кам қирқ ёшга кирди. Тарихий тақдир тақозоси билан бизнинг Ватанимиз пролетариат меҳнаткаш деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб эксплуататорлар ҳукмронлигини ағдариб ташлаган ва янги ижтимоий ва давлат тузуми барпо қилишга киришган биринчи мамлакат бўлди.

Совет давлати энг бошланғич бутун дунё олдида янги типдаги давлат сифатида, капиталистик жамиятни революцион йўл билан коммунистик жамиятга айлантиришнинг сиёсий қуроли сифатида намоён бўлди. СССРда социалистик жамият асосан қуриб бўлиндн ва коммунизм барпо қилиш вазифалари ҳал этилмоқда. Коммунистик қурилишнинг улуғвор программаси КПСС XX съезднинг тарихий қарорларида баён қилиб берилди.

Бизнинг жамиятимиз коммунистик идеалларни амалга ошириш учун курашдаги барча ғалабаларига Совет социалистик давлат системасида раҳбар ядро ҳисобланган Коммунистик партиянинг раҳбарлиги туфайли эришди. Коммунистик партияга асос солган улуғ Ленин бу партияни энг бошланғич социал революция партияси қилиб тузди. Ленин марксизмнинг синфий кураш қонунлари ва пролетариат диктатураси тўғрисидаги назариясини янада ривожлантириб, капиталистик жамиятнинг энг кўп даражада ўсишган ва энг илғор синфи бўлган ишчилар синфигина капитал зулмини ағдариб ташлаш учун курашда, янги, социалистик ижтимоий тузум барпо қилиш ишида бутун меҳнаткашлар ва эксплуатация қилинувчилар оммасига раҳбарлик қилишга қодир куч эканлигини узил-кесил исботлаб берди.

Шу билан бирга Ленин марксистик партиянинг ҳокимиятни қўлга олиш ва бутун халқни социализм қури бошлаб боришга қодир бўлган ишчилар синфи авангарди сифатидаги ҳал қилувчи аҳамиятини асослаб берди. Ленин ҳозирги замон (капиталистик) жамиятида омма синфларга бўлинганлигини ҳамда бу синфларга одатда сиёсий партиялар раҳбарлик қилаётганлигини кўп марта таъкидлаб кўрсатди. Ишчилар синфи, меҳнаткашлар ўз сиёсий партиясига эга бўлмай туриб, муваффақият билан кураша олмайдилар ва эксплуататорлар устидан ғолиб кела олмайдилар. СССРда ғалаба қозонган социалистик революция ва социализм барпо қилиш тажрибаси ишчилар синфи партиясининг роли тўғрисидаги ленинча қоидаларни тўла тасдиқлади.

Ишчилар синфи сафларидан етишиб чиққан ва марксизм-ленинизмга содиқ бўлган бизнинг Коммунистик партиямиз омманинг илҳомчиси ва ташкилотчиси, ишчи ва деҳқонларнинг жаҳонда биринчи социалистик давлатига раҳбар бўлишдек буюк ва шарафли вазифани бажара олди. КПСС Марказий Комитетининг «Шахсга сиғинишни ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида»ги қарорида социалистик тузумга тўхмат қилишга, бизнинг жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётида Коммунистик партиянинг раҳбарлик ва йўлбошчилик фаолияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини пасайтиришга ва бузиб кўрсатишга уринаётган чет эл буржуа пропагандасига қақшатгич зарба берилди.

Марказий Комитет қарорида уқтириб ўтилганидек, мамлакатимизда социализмнинг буюк ғалабалари ўз-ўзидан келгани йўқ. Бу ғалабалар партия жуда катта ташкилий ва тарбиявий иш олиб борганлиги, партия ўз кадрларини, барча коммунистларни марксизм-ленинизмга садоқат руҳида, коммунизм ишига садоқат руҳида доим тарбиялаб келганлиги туфайли қўлга киритилди. Коммунистик партия раҳбарлик қилмаганда эди Совет давлати кўп сонли душман ва ички душманларни енга олмас эди, социализмнинг бузилмас қўрғони, бутун дунёда тинчлик таянчи бўлиб қола олмас эди.

* * *

Империалистик буржуазия ва унинг ғоявий малайлари — гўё коммунистлар, большевиклар Россияда 1917 йил октябрида ҳокимиятни ғайри қонуний равишда эгаллаб олганликларини ва худди шундай ғайри қонуний равишда бошқа сиёсий партияларни мамлакатга раҳбарлик қилишдан четлаштирганликларини «исбот қилишга» кўп марта уринди кўрдилар. Қалбакилик билан қилинган бу даъво тарихни қасддан бузиб кўрсатишга интилишни кўрсатибгина қолмай, балки мутлақо нодонликни, ижтимоий тараққиёт қонунларини билмасликни ҳам кўрсатади. Коммунистик партия, ленинча партия 1917 йилги Октябрь ўзгаришидан сўнг ҳокимият тепасига тасодифан чиқиб қолгани йўқ, балки зарурий равишда чиқиб олди. Шунингдек унинг мамлакатимизда бирдан-бир ҳукмрон партия бўлиб қолганлиги ҳам тасодифий эмас. Совет революцияси тарихини аҳолли бошланғич мактабларда ўқиладиган дарсликларан билиб олган барча кишиларга шу нарса маълумки, Россияда ҳокимият тепасида помешчикларнинг қоратуруҳчилар партияси ҳам, буржуа кадетлар партияси ҳам, эсер ва меньшевикларнинг «социалистик» деб аталган партияси ҳам бор эди. Чоризмга, помешчикларга ва буржуазияга қарши революцион кураш давомида бу партияларнинг ҳаммаси помешчик-капиталистик тузумни сақлаб қолишга ва абадийлаштиришга ҳаракат қилиб, ўзларини революцияга қарши, халққа қарши партиялар сифатида фош қилдилар. Мамлакатимиз меҳнаткашлар оммаси бу партияларни улоқтириб ташлаганликларига ва Коммунистик партияни танлаб олганликларига ажабланиб бўлмайди!

Маълумки, Совет ҳокимияти барпо этилгандан сўнг большевиклар эсерларни ва меньшевикларни халққа қарши ўз платформаларидан воз кечишга, Совет ҳокимиятини чинакам халқ ҳокимияти сифатида танишга узоқ вақт чидам билан даъват этдилар. 1918 йил июлигача сўл эсерлар партиясининг вакиллари Совет ҳукумати составида ҳам бор эдилар. Бизнинг партиямиз ҳамкорлик қилишга астойдил интилган бир пайтда эсерлар ва меньшевиклар бунга қандай жавоб қилдилар? Улар бунга контрреволюцион фитналар, исёнлар чиқариш билан, Советлар Республикасига қарши урушда ошкора равишда оқ гвардиячилар ва чет эл интервентлари томонида туриш билан жавоб қилдилар. Ишчилар синфи бу майда буржуа партияларининг контрреволюцион фаолиятига хотима бериш юзасидан қатъий тадбирлар кўришга мажбур бўлган эди, албатта.

Коммунистик партиянинг бир ўзи Совет давлатига раҳбарлик қилганлиги ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар манфаати йўлида бу партия тинмай олиб борган курашнинг табиий натижаси бўлди. Тарихий воқеаларнинг ривожи билан Коммунистик партия мамлакатимизда раҳбарлик қилувчи партия даражасига ўсиб чиқди. Ёлғиз бу партиянгина социализм ишини, ишчи ва деҳқонларнинг ҳаётий манфаатларини изчиллик билан охиригача ҳимоя қилди.

Лекин бундан, социализм йўлидан ривожланиб бораётган барча мамлакатларга муайян тарихий шарт-шароитлар вужудга келганда бошқариш ишларига меҳнаткашларнинг бошқа партиялари жалб этилмаслиги керак, деган хулоса келиб чиқмайди.

Халқ демократияси мамлакатлари ортирган тажриба коммунистик партиялар ва айрим бошқа партиялар, улар халқ демократияси тузуми платформасида турсалар, ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкинлигини ва бундай ҳамкорлик мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатиб бермоқда. Бироқ шу нарса шубҳасизки, ҳар қандай шароитларда ҳам ишчилар синфи манфаатларини энг кўп даражада изчиллик билан ҳимоя қилаётган революцион марксистик партия раҳбарлик ролини ўйнамоғи лозим.

СССРда бир партияли система мавжуд эканлиги буржуа тузуми ҳомийлари учун демократиянинг нуқсони бўлиб кўринади. Демократия тўғрисида парламентларда буржуа партиялари вакилларининг гапдонлигига қараб эмас, балки давлат ишларини ҳал қилишда халқнинг чинакам иштирок этишига қараб хулоса чиқарадиган миллионларча меҳнаткашлар оммаси учун Коммунистик партия раҳбарлиги остидаги Совет ҳокимияти ҳақиқий халқ ҳокимиятидир. Совет ҳокимияти биринчи марта жуда кенг меҳнаткашлар оммасини мустақил тарихий ижодиётга отлантирди, халқнинг қудратли ижодкорлик ғайратини уйғотди, илгари барча сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилган миллионларча кишиларни иқтисодий-сиёсий ҳаётда актив қатнашишга жалб этди. «Совет ҳокимияти, — деб ёзган эди Ленин, — энг демократик буржуа республикасидан миллион марта демократроқ демократиядир». (Асарлар, 28 том, 266 бет).

Социалистик революция ғалаба қозониб, қарийб 30 йил давомида ёлғиз бўлиб турган, душман империалистик давлатлар қуршовида қолиб келган бизнинг мамлакатимиз учун биргина Коммунистик партиякинг раҳбарлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Масалан, интервенция ва гражданлар уруши йилларида ҳокимият тепасида турлича йўл тутган бир неча партия турганида эди Совет республикаси бошига қандай кулфатлар келишини кўз олдимизга келтириш қийин эмас. Совет давлатига асос солган В. И. Ленин партия ҳушёр бўлиб турганлиги, партия қаттиқ интизомга бўйсунганлиги учунгина бизнинг мамлакатимиз империалистларни енга олганлигини очиқдан-очиқ айтиб ўтган эди.

Бир хил қараш ва интизом билан бирлашган Коммунистик партия раҳбарлик қилмаганда эди бизнинг давлатимиз мамлакатни индустриялаш, қишлоқ хўжалигини коллективлаш, маданий революцияни амалга ошириш каби буюк ва қийин вазифаларни ҳам қада қила олмаган бўлур эди. Партия троцкийчилар, ўнг оғмачилар ва бошқа антиленинчи гуруҳларнинг қаршилигини синдирганлиги, ишчилар синфини ва миллионларча деҳқонлар оммасини ўз байроғи остига бирлаштирганлиги, уларни партия бош йўлини амалга ошириш учун курашга илҳомлантирганлиги учун ҳам СССРда социалистик жамият қуришнинг ленинча гениал планини амалга ошириш мумкин бўлди.

Мамлакатда қаттиқ синфий кураш давом этаётган, «ким кимни енгади» деган масала ҳал этилаётган бир шароитда, ташқаридан империалистик кучлар тўхтовсиз ҳамла қилиб турган бир шароитда СССРда социализм ғалабасини партиянинг қаттиқ ва ягона раҳбарлиги таъминлай олар эди. Омманинг куч-ғайратини мақсадга эришиш сари қаратиш учун даставвал партия сафларида темир интизом бўлиши зарур эди. Партия Лениннинг, айниқса душман капиталистик қуршов шароитида партия интизомини ҳар қандай бузиш амалда совет тузумининг душманларига хизмат қилади, деган кўрсатмасига амал қилиб, фракциячиликка қарши қатъий кураш олиб борди.

Раҳбарликнинг кўп даражада марказлаштирилганлиги айрим демократик формаларнинг ривожланишига салбий таъсир ўтказмай қолмади. Демократияни маълум даражада чеклашларни партия ўткинчи нарса деб, Совет давлати мустаҳкамланиб борган сари, бутун дунёда демократия ва социализм кучлари ривожланиб борган сари тугатиб юборилдиган нарса деб билди. 1936 йилда СССРнинг янги Конституцияси — ғолиб социализм конституцияси қабул қилинганлиги — мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт тўла равишда демократлаштирилганлигини билдирди. Ўша вақтдаёқ Сталиннинг шахсига сиғиниш вужудга келаётганлигига ва бунинг барча салбий оқибатларига қарамай, партия мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни тўла равишда демократлаштириш соҳасида анча ишлар қилди.

Коммунистик партия раҳбарлиги Совет Иттифоқининг Ватан урушидаги ғалабаси учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу уруш давлатимизнинг ва бутун совет халқининг мисли кўрилмаган даражада кўп куч-ғайрат сарфлашини талаб қилди. Партия ягона мақсад билан яшаганлиги, ўз сафларида айниқ ва ихтилоф нима эканлигини билмаганлиги учун ҳам халқнинг бутун кучини душманга қарши зарба беришга сафарбар эта олди. Коммунистлар партияси фронтда ва фронт орқасида совет кишиларининг қаҳрамонлик ва фидокорлик билан аҳил ҳаракат қилишларини таъминлаган, Совет Қуролли Кучларининг гитлерчи босқинчилар армиялари устидан порлоқ ғалаба қозонишини таъминлаган қудратли илҳомлантирувчи ва уюштирувчи куч бўлди. Урушдан сўнгги йиллар мобайнида Коммунистик партия халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантириш учун, давлатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янги юксак босқичга кўтарган шунли янги беш йилликларни бажариш учун умумхалқ курашини уюштирди. Бизнинг саноатимиз 1955 йилда урушдан олдинги 1940 йилдагига нисбатан 3,2 марта кўп маҳсулот ишлаб чиқарганлигини кўрсатиб ўтиш кифоядир. КПСС Марказий Комитети партиянинг ленинча йў-

Тожикистон пахтакорларининг маслаҳатлари асосида ғўза парваришидаги қолоқликни тезда тугатайлик!

☆ ☆ ☆

МУСОБАҚАДОШ ТОЖИКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ОБЛАСТИМИЗ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Мусобақадошлар, ғанимат фурсатни қўлдан бой бермангиз!

Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхознинг Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси қатнашчиси Ўртоқ Ш. Шокиров бошлиқ звено аъзолари ҳар гектар ерда 60 центнердан ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Суратда: звено бошлиғи Ш. Шокиров.

А. Ким фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Қардош Ўзбекистон ва Тожикистон пахтакорлари барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш мақсадида бирнеча йиллардан бери мусобақалашиб келмоқдалар. Бу мусобақа дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик, илғор иш тажрибаларини ўртоқлашиш асосида ҳар иккала республика пахтакорлари учун ҳам ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда.

Биз Октябрь районининг бирқатор илғор колхозлари пахта далаларини айланганимизда ана шу мусобақа шартларини ортиғи билан бажариш учун, мўл пахта ҳосили етиштириш учун қизғин кураш олиб борилаётганлигини, ғўзалар қулай агротехника муддатларида сифатли парвариш қилинаётганлигини кўрдик. Ленин номли, Киров номли колхозларда, Каганович номли колхознинг илғор бригадаларида яшнаб, мўл ҳосил тўплаётган ғўзалар бизни айниқса қувонтирди. Бу колхозларда меҳнат тўғри ташкил қилинган, меҳнат интизоми мустаҳкам, ишчи кучларидан, механизация ва от-уловлардан тўла ва унумли фойдаланилмоқда. Ғўзаларни икки томонлама парвариш қилишга алоҳида эътибор берилаётир.

Пахтакорлар «ғўзани тузатадиган ҳам сув, ғўзани бузадиган ҳам сув» дейдилар. Хаво иссиқ келган шу кунларда мўл ҳосил гарови бўлган сувдан тўғри ва максимал фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Биз районнинг шу колхозларида суғориш яхши ташкил этилганлигини, сувдан тежамли фойдаланилаётганлигини, ғўзанинг сувга бўлган талаб ва ихтиёжлари тўла ҳисобга олинаётганлигини, бу соҳада айниқса Каганович номли колхоз аъзолари дурустнатижаларга эришаётганликларини кўрдик.

Мана, Сталин номли колхознинг ўртоқ Хайитов бошлиқ бригаласи пахта далаларн. Бригада аъзолари 90 гектар ердаги ғўзаларни 50X50 схемасида ўстирмоқдалар. Улар тўла гектар учун курашганлар, ҳар гектар пахта майдонида 110 минг тупдан ғўза бор. Шу кунгача уч марта комплекс парвариш чиқарилган, ва кондириб суғорилаётган ғўзаларда ҳозир 14-16 тадан ҳосил шохи, 4-5 тадан бўлуқ кўсак бор. Бу бригада аъзолари мўл ҳосил етиштириш учун астойдил ҳаракат қилаётирлар. Ана шундай илғор бригададар бошқа колхозларда ҳам бор.

Афсуски, районнинг ҳамма колхозларида ҳам аҳвол бир хилда эмас. Ғўза парвариши ҳаддан ташқари кечиктириб юборилган. Бажарилаётган ишларнинг сифати ҳозирги куннинг талабларига мутлақо жавоб беролмайди. Бунинг асосий сабаби шуки, кўпчилик колхозларда меҳнат нотўғри ташкил этилган, интизом бўшашиб кетган. Контроллик ва қатъий талабчанлик йўқ. Моддий-техника воситаларидан унумсиз фойдаланилмоқда.

Аммо МТС раҳбарлари ҳам, колхоз раҳбарлари ҳам айрим бригадалардаги ғўзаларнинг кўкини, битта-яримта кўсагини кўриб, ховлиқиб кетганлар. «Энди ўзи бўлаберади» деган хотиржамлик кайфиятига йўлиқиб қолганлар.

Ғўза кун санайди, уни ўз вақтида сувдан ёки культивациядан қолдирдингми, ютқизгинг деган сўз. Ғўза гул, хатто кўсак ташлайди, қилган меҳнатинг, тўплаган ҳосилинг зойиғ кетади. Колхоз раҳбарлари худди мана шуни унитиб қўйганлар.

Июль ойи пахтадан мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой. Унинг ҳарбир куни, ҳар бир соати қиммат. Шу қизғин кунларда ғўза парваришини ўз ҳолига ташлаб қўйган Охунбобоев номли, Андреев номли, Энгельс номли, Телман номли колхозларнинг раҳбарлари, Сталин номли, Каганович номли колхозларнинг хали уйқидан уйғонмаган бригада бошлиқлари бунга яхши тушинишлари керак.

Ўртоқ Б. Имомов раислик қилаётган Охунбобоев номли колхозда ҳалига қадар ўтдан тозалаб олинмаган 100 гектардан ортиқ пахта майдони бор. 20 гектар ердаги ғўза шу кунга қадар биринчи сув ичмаган. Культивация ва чопиқ ҳаддан ташқари сифатсиз ўтмоқда, айрим бригадалардаги ғўзаларни сув азиб юборган. Бунга колхознинг Султонов, Суннатуллаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларидаги аҳвол далил бўлаолади. Ўртоқ Суннатуллаев бригадасида меҳнат интизоми ниҳоят даражада бўш, кунлик норма кўпинча бажарилмайди. Шунинг учун ҳам ғўза парвариши кечикмоқда. 53 гектар пахта майдонидаги ғўзанинг деярлик ҳаммасини ўт босган. Уста пахтакорлар «гули тепасига чиқиб кетган ғўзадан қўрқ» дейдилар. Ўртоқ Суннатуллаев бошлиқ бригаданинг ғўзалари худди ана шу «касалга» учраган. Ўртоқ Султонов бригадасида ғўзалар 15-20 кунлаб сувдан қолдирилган.

Лекин колхоз раҳбарлари бутун кучни ғўза парваришига тўла сафарбар этишга хафсаласизлик билан, тўғироғи ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Биз бригада далаларини айланганимизда чиндан ҳам рўйхатдаги ишчи кучларининг ҳаммасини учратолмадик. Хонадонларда эса кўпгина ишга яроқли кишилар ўз шахсий ишлари билан шуғулланиб юрганликларини аниқладик.

Колхозда 44 та от, 9 жуфт хўкиз бор. Аммо бу кучлардан фойдаланишга эътибор бермаётирлар.

Колхоз раиси Ўртоқ Б. Имомов «сув етишмаяпти, ғўзаларимизнинг аҳволи шунинг учун ҳам ёмон, район сув хўжалиги ходимлари бунга бепарво қараяпти» дейди. Хўш, колхозда ҳозир бор сувдан тежамли фойдаланиляптими? Мутлақо йўқ. Тақсимланган ҳозирги сув билан ҳар куни 50-60 гектар ердаги ғўзани қондириб суғориш мумкин. Ваҳоланки, колхозда ҳар куни суғорилаётган ер 18-20 гектардан ошмайди. Демак, колхоз правленеси ғўзани суғориш ишини тўғри ташкил этабилмаган. Эгатларга таралган сув назоратсиз қолдирилади. Кечаси суғориш ташкил қилинмаган, сув най усулида жилдиратиб эмас, ёпасига қўйилади. Хўш, бундай аҳволда қандай қилиб ғўзага сув етказиб бериш мумкин. Колхоз раҳбарлари баҳоналар ахтариш ўрнига сув исрофгарчилигига қарши курашсалар, сувдан тежамли фойдаланса лар яхшироқ бўларди.

Андреев номли колхознинг ўртоқ Мадаминов бошлиқ бригадасида бўлганимизда, ўт босиб ётган 30 гектар, сувдан қолдирилган 10 гектар ердаги ғўзани кўрдик. Бу ғўзалар 10-15 кунлаб ўсишдан қолган. Ўртоқ Йўлдошев бригадасида эса ғўзаларни ўргумчаккана босган. Колхозда 35 гектардан ортиқ ердаги ғўзага чопиқ қилинмасдан туриб сув қўйилган. Натижада ғумай ва бегона ўтларнинг бўйига бўй қўшилган. Сталин номли колхознинг кўпчилик бригадаларида суғориш ишиёмон ташкил қилинган, табақалаб суғоришга эътибор берилмаётганлиги, эгатларнинг ҳаддан ташқари узунлиги натижасида таралган сув эгат охирига етмаяпти. Натижада эгат бошлари қайта-қайта сув ичганлиги учун ғўзалар ғовлаётган бўлса, эгат охирларида сувсизликдан ҳосилини йўқотмоқда. Район колхозларида сувдан ана шундай нотўғри фойдаланилаётганлиги сабабли ҳар куни графикдаги 880 гектар ўрнига 360 гектардан ердаги ғўза сув ичяпти, холос.

Район колхозларида ғўзаларни чеканка қилиш ишига ҳам эътиборсизлик билан қаралмоқда. Хрушчев номли, Каганович номли, Сталин номли колхозларнинг қатор бригадаларида ғўзаларнинг бўйи бир метрдан ошиб кетган. Уни дарҳол чеканка қилиш зарур. Лекин колхоз раҳбарлари аллақачонлардан чеканка қилиш ҳақида бўйруқ келишини кутиб ётиптилар. Бу албатта ўринсиз. Колхоз раҳбарлари чеканка қилиниши лозим бўлган ерлардаги ғўзаларни ўзлари аниқлашлари ва бу ишни тезда бошлаб юборишлари керак.

Колхозларда ғўза парваришининг ана шундай қониқарсиз аҳволда олиб борилаётганлигига Октябрь МТСи раҳбарлари ҳам жавобгардирлар. Улар колхозда камдан-кам бўлдилар, ҳақиқий аҳвол билан чуқур танишмайдилар, механизаторлар бажараётган ишлар устидан контроллик қилиб турмайдилар, амалий раҳбарлик ўрнига сводка тўплаш, телефон орқали буйруқ бериш билан қиммати вақтларини бекорга ўтказадилар. Ҳозир колхозларда 53 та универсал ўрнига фақат 28 та универсал ишлаяпти, тўсиқ ўрнатилмаган, иш органлари билан етарли таъминланмаган универсаллар билан ҳар куни 3-3 ярим гектардан ердаги ғўза культивация қилинаяпти, холос.

Октябрь район колхозлари бу йил ҳар гектаридан 22 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар бу юксак мажбуриятни шараф билан бажариш учун август ойининг охирига ғўза парваришини эўр бериб давом эттиришлари керак. Усишдан қолаётган ғўзалар кўшимча парвариш қилинишин, озиқлантирилиши, ўтдан тозалаб олиниши, суғориш ишлари тўғри йўлга қўйилиши, ғўза зараркунандаларига қарши кескин кураш олиб борилиши лозим. Ана шунда район пахтакорлари областда пахтадан мўл ҳосил етиштириш ишига муносиб ҳисса кўша оладилар.

Мусобақадошлар, ғанимат фурсатни қўлдан бой бермангиз.

Д. ОЧКИЛАС—Тожикистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг старший агрономи.
Т. ТУЙЧИЕВ—Регар район Киров номли колхоз раисининг ўринбосари.
И.ШОЕВ —Сталинобод район Сталин номли колхознинг участка агрономи.
У. ЖОНГИТОВ—«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Мажбурият шараф билан бажарилади

Бўстонлиқ районидаги Молотов номли колхоз аъзолари ҳозирги ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, ҳосилга-ҳосил қўшиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Қамариддин Ғиёсов бошлиқ бригаданинг меҳнатсевар аъзолари ўтган йили гектаридан 17,5 центнер ўрнига давлатга 22,5 центнердан отбор ва биринчи сорт пахта топширган эдилар. Бу йил эса колхозчилар 19 центнер ўрнига 30 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олганлар. Бригаданинг 75 гектар ердаги ғўзаси ҳозиргача 4 марта комплекс парвариш қилинди, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан етарли миқдорда озиқлантирилди.

Шунингдек, колхознинг Р. Бегматов, М. Ёдгоров ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза парвариши уюшқоқлик билан ўтказилаётир.

Т. НОСИРОВ.

Мўл ҳосил тўпланмоқда

Мирзачўл районидаги Сталин номли колхознинг ўртоқ Р. Умаров бошлиқ бригада аъзолари 76 гектар пахта майдонида ғўзаларни тор қаторлаб парвариш қилаётирлар. Улар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштириш учун аҳд қилганлар.

Бригадада меҳнат тўғри ташкил этилган. Ўзаро социалистик мусобақа кучайтирилган, механизация кучидан эса унумли фойдаланилмоқда.

Шу кунгача бригаданинг барча пахта майдонидаги ғўзалари 4 марта культивациядан, 3 марта чопиқдан чиқарилди. Озиқлантириш ва суғориш ишлари ҳам белгиланган агротехника муддатларида сифатли ўтказилаётир.

Ғўза парваришида бригада аъзоларига яқиндан ёрдам бераётган илғор универсалчи ўртоқ У. Юсуповдан ҳамма хурсанд. У шу кунгача 690 гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилиб, 10 процентдан ортиқ ёнилғи тежади.

Ғ. АЛИБЕКОВ.

Мактабларга оталик ёрдамини кучайтирайлик

Чирчиқ шаҳар халқ маорифи ходимлари, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ҳамда мактабларга оталик қилувчи корхона ва муассасалар мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш юзасидан мажбурият олган эдилар. Бу мажбуриятда мактаб ёшидаги болаларни тўлиқ рўйхатга олиш, ишчи-ёшлар мактаби ўқувчиларининг контингентини сақлаб қолиш, мактабларни педагог кадрлар билан тўла таъминлаш, 10 июнгача бошланғич синфларнинг ўқитувчиларини малака ошириш курсида ўқувини ташкил қилиш, 1 августгача мактаблар биноси, инвентарларини сифатли ремонтдан чиқариш ва политехника таълими билан боғлиқ бўлган бошқа ишларни қилиш кўзда тутилган эди. Бундай катта мажбуриятни бажаришда кўпроқ ҳисса «Чирчиксельмаш», «Средазхиммаш», «Электрошчит» заводлари ва электрохимия комбинати каби йирик корхоналар зиммасига тушади.

Лекин шуни айтиш керакки, тантанали равишда қабул қилинган мажбурият қониқарсиз бажарилмоқда. Ўқув йилининг бошланиши яқинлашиб қолаётганига қарамай, айрим мактабларда ремонт ишларига ва ўқув-материал базасини мустаҳкамлашга ҳалигача киришилгани йўқ.

Фактларга мурожаат қилайлик. «Чирчиксельмаш» заводи шаҳардаги 6 ва 7-мактабларда теплица қуриш, электротехника ва машинани ўрганиш кабинетларини ташкил қилиб бериш, ўқув кабинетларини жиҳозлаш, мактаб территориясини ободқилиш ҳамда биноларнинг ремонтига ёрдамлашиши керак эди. Хўш, бу ишлар қандай бажарилмоқда? 7- мактаб ҳовлисида устахона биноси учун фундамент қазилди-ю, иш шу билан тўхтаб қолди. Цемент, ёғоч, ғишт ва бошқа айрим материаллар йўқлиги сабабли қурилиш ишлари тўхтаб қолди. Ваҳоланки, завод маъмурияти бу ишга чинакамига киришса, ўз оталик вазифасита масъулиятни сезиб қараса, материал масаласи аллақачон ҳал бўлиб кетарди. Шунингдек мактабнинг электро-техника кабинетини зарур асбобускуналар билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал қилинмаётир. Мактаб дирекциясининг кабинет учун зарур жиҳозлар рўйхатини тузиб, «Чирчиксельмаш» заводига заявка бергани анча вақт бўлди. Завод бош инженери ўртоқ Белов заявкани олганидан сўнг «ортиқча тантаниш»дан қутилишни кўзлаб, бу ишни бош энергетик ўртоқ Каратаевга топширди. Ўртоқ Каратаев бўлса қўлини кўксига қўйиб, қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмаётир. Ахир, ваъда бера берган билан кабинет ўз-ўзидан жиҳозланиб қолмайди-ку. Бундан ташқари завод томонидан мактаб учун қурилаётган теплица ҳам бир йилдан бери битказиб берилмай, ўлда-жўлда ётибди.

6- мактабда аҳвол бундан ҳам ачинарли. Бу ерда ҳалигача мактаб биносини ремонт қилишга киришилгани йўқ. Мактаб директори ўртоқ Мустафин бу тўғрида заводнинг ремонт-қурилиш цехи бошлиғи ўртоқ Сидько ҳузурига бир неча марта борди. Бироқ натижа чиқмаётир. Заводдагилар мактаб ремонтига пионер дагерини қуриб тамомлаганимиздан сўнг киришамиз демоқдалар. Бу ўринсиз баҳона. Чунки лагерь қуриб битказилиб, унда пионер ва ўқувчилар дам олаётганига анча вақт бўлди.

«Средазхиммаш» заводи раҳбарлари ҳам ўз оталик вазифаларига совуқконлик билан қарамоқдалар. Бу корхонага 2 ва 9- мактабларда электротехника ва машинани ўрганиш кабинетларини зарур асбоблар билан таъминлаш, физика кабинетига 3 фазали ток тушириб бериш ва 3 фазали токни тақсимловчи щчит ўрнатиб бериш, 9- мактаб спорт залига вентилятор қуриб бериш вазифалари юклатилган эди. Афсуски, ана шу ишларга бажариш тўғрисида завод маъмурияти қайғирмаётир. Шаҳар халқ маорифи бўлими раҳбарлари ҳам бу ишдан хабардорлар. Лекин улар мактабларни янги ўқув йилига пухта тайёрланда оталик қилувчи корхоналар ёрдамини кучайтириш чораларини кўрмаётирлар.

Чирчиқ шаҳридаги саноат корхоналари ва муассасалар ўз оталикларидаги мактабларга ёрдам беришни жиддий равишда яхшилаб, янги ўқув йилини ҳар томонлама пухта тайёрғарлик билан кутиб олишга муносиб ҳисса қўшишлари керак. Бу масала шаҳар партия ва совет ташкилотининг ҳам диққат марказида туриши лозим. Халқ маорифини тинмай ривожлантириш, ёш авлодни коммунистик аҳлоқ руҳида пухта билимли қилиб тарбиялаш манфаатлари шуни талаб қилади.

А. АХМЕТОВ.

Эътибордан четда қолган ётоқхона

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг Бешёғоч, Чорсув ва Ленинград кўчасидаги студентлар ётоқхоналарида бўлган кишига шу университетнинг Октябрь район, Қоратут кўчасидаги 4-ётоқхонасида аҳвол ёмон, студентлар учун қулай маданий-маиший шароит яратиб берилмаган.

Маълумки, ётоқхонада турадиган ҳар бир студентнинг нормал яшаши учун моддий ва маданий шароитлар яратилган бўлиши керак. Аммо 4- ётоқхонада бундай эмас. 200 киши турадиган бу ётоқхонада кийим қўйдиган бирорта ҳам шифонер, катта ойна йўқ, вешалкалар етишмайди, ҳар икки студентга биттадан тумбочка тўғри келади (ваҳоланки ҳар бир студент алоҳида тумбочкага эга бўлиши керак). 22 хонанинг бирортасида ҳам осма соат йўқ. Махсус пардалар йўқлигидан студентлар деразаларга чойшабларни тутиб қўйибдилар. Ошхонадан бемалол тутин кириб турадиган 100-хонада эса дераза парда у ёқда турсин, дераза роми ҳам йўқ.

Икки йилдан бери ремонт қилинмаганидан 8 та хонанинг деворлари ва шиплари шўралаб кўчиб тушмоқда. Иккинчи қаватдаги 90-хона эшигининг кесакиси, деворлари кўчиб кетган, бир деразанинг ўрни ром йўқлигидан палапартиш қилиб, кесак билан уриб қўйилган. Худди шу иккинчи қават коридорида электр патронлар осилиб турибди-ю, лекин лампочкалар йўқ.

Бу ерда тозаликка ҳам қатъий риоя қилинмайди. Ховлидаги ахлат ташланадиган ящик ўз вақтида бўшатилиб турилмайди, у доим ахлатга тўлиб-тошиб ётади. Бундан ташқари студентлар турадиган хоналар ҳар куни ҳам яхшилаб тозаланмайди, шиплари ис босиб кетган. Шунингдек студентларнинг кийим-бошларини ювиб берувчи кирчига бўлган муҳтожликни ҳам айтиб ўтиш керак. Бутун ётоқхона бўйича иккита дазмол бор, холос. Ётоқхона яқинида ошхона йўқ. Гузардаги озиқ-овқат магазини бўлса студентлар дарсга кетаётганида очиқ бўлса ҳам, қайтганларидан сўнг иш вақти тамом бўлиб, бекитиб қўйилади. Шу сабабли студентлар университет маъмурияти ва касаба союз ташкилотидан ётоқхонада буфет очиб беришни қайта-қайта илтимос қилдилар. Аммо бу ҳақли талаб ҳалигача оқибатсиз қолиб келмоқда.

Ётоқхонадан университет корпусига боргунча транспортда 40-45 минут йўл юриш керак. Ўз-ўзидан маълумки, бундай шароитда ётоқхонада дарс тайёрлаш учун қулай имконият туғдирилган бўлиши зарур. Лекин университет маъмурияти бу ишга ҳам ўтакетган даражада совуққонлик билан қараган. Студентларнинг 6 ой қатъиятлик билан талаб қилишлари орқасида бу ерда хўжа кўрсинга ўқиш зали ташкил қилинди. Лекин у стол-стуллар билан таъминланмади, қишда эса иситилмади. Ўқиш зали шу алпозда уч ой очиқ турди. Бироқ ундан студентлар фойдаланмадилар. Сўнг яна бекитиб қўйилди. Дарс тайёрлаш қийинчилиги яна давом этаберди. Айниқса қишки ва ёзги имтиҳонларга тайёрланиш даврида студентлар қийналдилар.

Ётоқхонада маданий-оммавий ва сиёсий-тарбиявий ишлар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу соҳа билан на университет партия ташкилоти ва на комсомол ташкилоти шуғулланади, касаба союз ташкилотининг эса эсига ҳам келмайди. Шу ерда турувчи қайси бир студент билан суҳбатлашманг ётоқхонада қизил бурчак, шахмат-шашка, домино йўқлиги, газета-журнал келмаслиги, турли темаларда лекция ҳамда суҳбатлар ўтказилмаслиги, театр ва киноларга коллектив равишда маданий юришлар уюштирилмаслигидан шикоят қилади. Шу сабабли ёшларнинг дарсдан ташқари дам олаётган вақтлари зерикарли ва самарасиз ўтади.

Университетнинг клаба даданова студентлар юқоридаги камчиликлар тўғрисида гапиргудек ёки бирорта нарса талаб қилгудек бўлсалар, у ёшлар талабини университет маъмурияти олдига қўйиш ўрнига, студентларга «шикоят қилаберсаларинг ётоқхонадан ҳайдатиб юбораман» деб қўқ уради. Масалан, студентлардан Э. Шодмонов, Р. Бекбулатов ва Ш. Абдурахимов ўртоқларга К. Дадабоева худди шундай деган.

Университет маъмурияти (ректорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари ўртоқ Литеницкий), партия ташкилоти (секретари ўртоқ Тутунжон), комсомол ташкилоти (секретари ўртоқ Куценко) ва касаба союз ташкилоти (раиси ўртоқ Зуҳриддинов) янги ўқув йилида ётоқхонада студентлар учун нормал маданий-маиший шароит яратиб бериш чораларини кўришлари зарур.

Т. НАЖМИДДИНОВ,
Ж. МУМИНОВ.

БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИГА ЁРДАМ

Яқинда Тошкент область ижроия комитети Бўка район болалар муассасаларига ёрдам бериш мақсадида ўз аро текшириш бригадасини юборди. Беш кишидан иборат бригада аъзолари райондаги болалар боғчалари ва яслиларидаги ютуқ ва камчиликларни аниқладилар. Баъзи бир камчиликлар райондаги колхоз правленеси-нинг ёрдами билан тугатила бошланди. Сўнгра Олмалиқдан Бўка район болалари учун 250 дона ҳар хил ўйинчоқлар келтирилди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Ёзлик кийимлар қачон келтирилади?“

Газетанинг 30 май сонида Чиноз район Ленин номли колхоз аъзоси ўртоқ Усмонқуловнинг хати босилиб, унда қишлоқ магазинларида ёзлик кийимлар йўқлиги, район матлубот жамияти меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини эътиборга олмай келаётгани кўрсатилган эди.

Тошкент область матлубот союзининг савдо бошқармаси бошлиғи ўртоқ Жихаревнинг редакциямизга хабар қилишича текширишда газетада келтирилган фактлар тўла исботланган. Чиноз район матлубот жамиятига ёзлик трикотаж ҳамда тайёр кийимлар шунингдек III квартал ҳисобидан пойафзал соттириш топширилган ва бу иш амалга оширилган. Харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини кузатиб бориш-маданий савдони тобора яхшилаш тадбирлари белгиланган.

лини изчиллик билан амалга оширганлиги натижасида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий турмуши даражаси анча ўсди. Ишчилар синфи билан деҳқонларнинг бузилмас иттифоқига, социалистик миллатларнинг қардошлик дўстлигига, бутун совет халқининг маънавий-сиёсий бирлигига таянган бизнинг ижтимоий ва давлат тузумимиз янада кўпроқ мустаҳкамланди.

* * *

Коммунистик партия раҳбарлиги барча меҳнаткашлар ташкилотларининг — давлат ташкилотларининг ҳам, жамоат ташкилотларининг ҳам келишиб ҳаракат қилишини таъминламоқда. Партия бу ташкилотларнинг ўз кучларини сочиб юбормай, балки бир мақсад сари қаратишлари учун ҳаракат қилади. Шу билан бирга партия барча жамоат ва давлат ташкилотлари ишини активлаштиришга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга меҳнаткашлар оммасининг тобора кенгроқ табақаларини жалб этишга катта эътибор беради.

Бизнинг партиямиз социалистик демократияни ҳар тарафлама ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Сўнгги йиллар мобайнида КПСС Марказий Комитети марказда ва жойларда илғор ишчилар, колхозчилар, хўжалик ва маданий қурилишнинг турли участкалари раҳбарларининг кенгашларини мунтазам равишда ўтказиб турибди. Бу кенгашларда қурилишимизнинг энг муҳим масалалари ҳар тарафлама муҳокама қилинади, камчиликлар танқид этилади, илғор тажрибани эътиборга олиб, фойдали таклифлар киритилади. Партия ва Ҳукумат совет демократизмини тинмай ривожлантириш мақсадида иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқ ва компетенцияларини кенгайтириш, социалистик қонунчиликка жиддий риоя қилиш, планлаштириш системасини қайта қуриш, маҳаллий Советларнинг ишини жонлантириб юбориш юзасидан муҳим амалий тадбирлар кўрмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати энг муҳим қонунлар проектларини омма муҳокамасига қўймоқда. Масалан, бизнинг матбуотимиз совет кишиларининг давлат пенсиялари тўғрисидаги қонун юзасидан ёзган юзлаб хатларини босиб чиқарди.

Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети барча давлат ва жамоат ташкилотларига принципиал раҳбар кўрсатмалар бериш билан бирга уларни майда ишлар билан банд қилиб қўймаслик, кундалик ишда ташаббус кўрсатиш, мустақил ҳаракат қилиш учун уларга имконият бериш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилмоқдалар. Партия ташкилотлари хўжалик ва совет органларининг ўрнини босмасликлари керак, балки улар партиявий-сиёсий ва хўжалик ишини тўғри қўйиб олиб бориш асосида оммани партия белгилаб берган хўжалик-сиёсий вазифаларни бажаришга сафарбар этишлари лозим.

КПСС XX съезди партия ишидаги жиддий камчиликларни очиб ташлаб, Марказий Комитетга партиянинг бутун ташкилий ишларини, биринчи галда унинг хўжалик қурилиши соҳасидаги ишларини янада яхшилаш вазифасини топширди. Марказий Комитетнинг ҳисобот доклади юзасидан қабул қилинган съезд резолюциясида бундай дейилади: «Партия ташкилотлари хўжалик қурилишига конкрет раҳбарлик қилиш масалаларига кескин равишда бурилишлари, саноат корхоналарининг, колхозлар, МТСлар ва совхозларнинг ишларига ишнинг кўзини яхши билиб раҳбарлик қилмоқ учун уларнинг техникаси ва экономикасини ўрганишни кучайтиришлари лозим».

Съезд ташкилий ишлар савиясини ошириш учун партия ташкилотлари зиммасига ижроини текшириш, кадрларни танлаш ва тарбиялаш ҳамда коммунистларни хўжалик, маданий ва давлат қурилишининг турли участкаларига тўғри тақсимлаш ишини яхшилаш вазифасини юклади. Бунда ёш кадрларни юқори вазифаларга кўтариш ва ишлаб чиқаришда банд бўлган коммунистларнинг сафини ўстиришга алоҳида эътибор берилиши керак.

Партия ўзи олиб бораётган ғоявий, тарбиявий ишларда бу ишларнинг жанговор, мақсадга мувофиқ ҳамда коммунистик қурилишнинг зарур вазифалари билан қаттиқ боғланган тарзда бўлишига, бу ишлар меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини ўстиришга чиндан ҳам ёрдам берадиган бўлишига эришмоқда.

Шахсга сиғинишнинг зararли оқибатларини тамомила тугатиш, партия ва давлат ҳаётининг ленинча нормаларини мустаҳкамлаш, коллектив раҳбарлик принципларини жорий қилиш ташкилий ва ғоявий ишлар соҳасидаги энг муҳим вазифаларнинг биридир.

КПСС XX съезднинг қарорларида, шунингдек Марказий Комитетнинг «Шахсга сиғинишни ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида»ги қарорида бутун партиямиз, барча совет ва жамоат ташкилотлари амалий фаолиятининг кенг программасини чизиб берилган. СССР Конституциясида ифода этилган совет социалистик демократизм принципларини тўла татбиқ қилиш, революцион социалистик қонунчиликни бузишларни охиригача тугатиш, барча коммунистларни ҳамда кенг меҳнаткашлар оммасини олтинчи беш йиллик план топшириқларини бажариш учун курашга сафарбар қилиш, бунинг учун омманинг ижодий ташаббусини ҳар тарафлама ривожлантириш керак. Партиямиз Марказий Комитети белгилаб берган зарур вазифалар шулардан иборат.

Бизнинг партиямиз шахсга сиғиниш ва унинг оқибатларига қарши кураш тўғрисидаги масалани большевикларга хос дадиллик билан ўртага қўйганлиги буржуа пропагандасининг, шахсга сиғинишни гўё совет социалистик тузум системасининг ўзи вужудга келтирди, деган қалбаки даъволарини тамомила улоқтириб ташлайди. Агар бу каби ҳодиса бизнинг системамизга узвий равишда хос бўлса эди, у вақтда шахсга сиғинишни тугатиш тўғрисидаги масала бу қадар кескин қилиб қўйилмаган бўлур эди. Бу ҳодиса социалистик тузумга ёт бўлганлиги, марксча-ленинча назарияга ҳилоф бўлганлиги учун ҳам партия шахсга сиғинишнинг ҳар қандай кўринишларига қарши шафқатсиз кураш эълон қилди.

Совет жамиятида бошқа салбий ҳоллар, масалан, бюрократизм, айрим ходимлар ўртасида миллатчилик ва бошқа сарқитларнинг кўринишлари бўлган ва бўлиши мумкин. Лекин бундан бу иллатларнинг сабаби совет тузумининг ўзидадир, деган хулоса чиқадими? Ҳеч бир бундай хулоса чиқмайди! Булар эски, эксплуататорлик тузуми традициялари, одатлари ва қарашларининг сирқитларидир. Совет кишилари бу сарқитларга қарши курашиб келдилар ва курашадилар.

Бизнинг совет ижтимоий ва давлат тузумимиз эксплуататорлик жамиятидан мерос бўлиб қолган сарқитлардан ўзини тозалаб, янада мустаҳкамроқ, янада монолитроқ бўлиб бормоқда.

* * *

Коммунистик партия социалистик давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда.

Бизнинг ички сиёсатимиз тинч иқтисодий мусобақа йўлида қисқа тарихий муддатда СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини ҳал қилишга—асосий капиталистик мамлакатларга ҳали жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан етиб олиш ва бу соҳада улардан ўзиб кетишга, коммунизмнинг қудратли моддий-ишлаб чиқариш базасини барпо этишга, бутун совет халқининг моддий фаровонлиги ва маданиятини янада тинмай юксалтиришни таъминлашга қаратилгандир.

Давлатимизнинг ташқи сиёсати тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги учун кураш, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув бўлиб яшашлари учун кураш сиёсатидан иборатдир.

Ҳарқандай агрессив мақсадлар ҳам совет тузумига ётдир. Ўз ҳукумати каби совет халқи ҳам дунёдаги барча халқлар билан тинчлик шароитида дўст бўлиб яшашни истайди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар халқаро кескинликни юмшатиш учун, халқларнинг осойишта ва тинч яшашлари учун ўз қўлларидан келган барча ишларни қилмоқдалар. Бироқ бизнинг партиямиз «совуқ муносабатлар уруши»нинг тарафдорлари ўз фаолиятларини кучайтиришга урунаётганликларини, агрессив блоклар билан иш кўраётганликларини, зўр бериб қуролланишни тўхтатмаётганликларини, СССРда ва халқ демократияси мамлакатларида қўпорувчилик ишлари олиб бориш учун кўп миллионлаб пул ажратаётганликларини унутиб қўя олмайди. Шунинг учун ҳам партия меҳнаткашларни хушёрликни оширишга, совет давлатини ҳар тарафлама мустаҳкамлашга чақирмоқда.

Коммунистик партия ва совет халқининг бирлиги бузилмасдир. Совет кишилари кўп йиллик тарихий тажрибадан шунга ишонч ҳосил қилгандирларки, партиямизнинг халқ манфаатларидан бошқа, халқ бахт-саодати ва равнақидан бошқа манфаатлари йўқдир. Бутун халқнинг танилган йўлбошчиси, социалистик давлатнинг раҳбарлик қилувчи кучи бўлган бизнинг партиямизнинг обрўси шунинг учун ҳам жуда юксакдир. Партия, ҳукумат ва халқнинг бирдамлиги—социалистик давлатимиз енгилмас куч-қудратининг манбаидир.

С. ТИТАРЕНКО.

Франция Коммунистик партиясининг 14 съезди очилди

ГАВР, 18 июль. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Гавр шаҳар муниципалитети биносида Франция Коммунистик партиясининг 14 съезди очилди. Съездда 1. 600 делегат ва турли мамлакатлардаги қардош коммунистик партиялардан ҳамда ишчи партияларидан вакил бўлиб келган меҳмонлар қатнашмоқда. Съездга кўпгина француз ва чет эл журналистлари ҳам келди.

Съезд кун тартибида қуйидаги масалалар турибди:

Социал прогресс учун, тинчлик ва Франциянинг миллий улуғворлиги учун (Докладчи — Морис Торез);

Муниципалитетлар меҳнаткашлар оммаси хизматида (Докладчи—Жак Дюкло); Партиянинг раҳбарлик органларини сайлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Морис Торез доклад қилди, у съезд делегатлари томонидан гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

ПБИП Марказий Комитетининг VII Пленуми очилди

ВАРШАВА, 18 июль. (ТАСС). Польша матбуот агентлиги билдиради: Бугун Польша бирлашган ишчи партияси Марказий комитетининг VII пленуми очилди. Пленум қуйидаги кун тартибини тасдиқлади:

1. Сиёсий ва иқтисодий аҳвол тўғрисида ва партиянинг асосий вазифалари ҳақида. — Докладчи Э. Охаб.
2. 1956—1960 йилларга мўлжалланган беш йиллик план установкалари тўғрисида — докладчи Ю. Циранкевич.
3. Ташкилий масалалар.

Д. Т. Шепиловнинг СССР Олий Совети сессиясида қилган баёноти тўғрисида Америка газетасининг ёзганлари

ВАШИНГТОН, 18 июль (ТАСС). «Вашингтон пост энд таймс геральд» газетаси СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепиловнинг СССР Олий Совети сессиясида қилган баёнотига бағишланган редакцион мақоласида бундай деб ёзади: «Совет ташқи ишлар министри Шепилов ядро қуролини синаб кўришни тўхтатиш тўғрисидаги таклифи билан Қўшма Штатларни жаҳон жамоатчилик фикри олдида ҳунук ва ноқулай аҳволга тушириб қўйди... Бу муҳим аҳволдан чиқмоқ учун Қўшма Штатлар синовларни тақиқлаш тўғрисидаги масалани қуролсизланиш тўғрисидаги умумий битимнинг бир қисми сифатидагина муҳокама қиладилар, деб қилинган мужмал баёнотгина кифоя қилмайди».

Газета юз берган аҳволни шундай деб изоҳламоқдаки, АҚШ раҳбарлари «биз юргизаётган программа ва стратегиянинг оқибатларини тўла тушуниб олишни истамадилар. Бизнинг ҳарбий ва граждан маъмурларимиз қудратли ядро қуролига шунчалик берилиб кетдиларки... улар ўз манфаатларимиз тўғрисида жонқуярлик қилишни истамайдилар ва ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида халқаро битим тузишни истамайдилар...»

Неру Франциядан жўнаб кетди

ПАРИЖ, 18 июль. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру бугун Париждан Югославияга учиб кетди.

Ҳиндистон бош министри Неру Югославияга келди

БЕЛГРАД, 18 июль. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру бугун Бриони оролига келди.

Пула аэродромида Неруни Иттифоқ ижроия вечаси раиси Ф. Нинбосари А. Ранкович, Хорватия соборининг раиси В. Бакарич, ташқи ишлар давлат секретари К. Попович. ЮФХР президентининг бош секретари Й. Вильфан ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Неру аэродромда бундай деди:

Мен гўзал мамлакатингизга яна келишим билан бахтиёрман ва ўз дўстларим билан учрашишни мамнуният билан кутмоқдаман. Мен бу дўстлар билан тамомила ошкора музокаралар олиб боришимга ишонаман.

Брионида Ҳиндистон бош министри Неруни ЮФХР президенти Тито кутиб олди.

Ҳиндистон вице-президенти Деҳлига қайтиб келди

ДЕҲЛИ, 18 июль. (ТАСС). Ҳиндистон вице-президенти Радҳакришнан Совет Иттифоқига ва Европа ҳамда Африка мамлакатларига қилган сафаридан бугун Деҳлига қайтиб келди.

Тунис миллий таъсис мажлисининг резолюцияси

ПАРИЖ, 18 июль. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Тунисдан хабар беради: Тунис миллий таъсис мажлисининг кечаги ялпи йиғилишида мамлакат янги конституциясининг преамбуласи биринчи марта ўқиб берилди. Сўнгра мажлис аъзолари якдиллик билан қуйидаги резолюцияни қабул қилдилар:

«Таъсис мажлиси француз қўшинларини Тунис территориясидан олиб чиқиб кетиш ҳақидаги масалада ҳукуматнинг позициясини қўллаб қувватлайди. Таъсис мажлиси ҳукуматга тўла ишонч билдиради ва унга мустақилликни мустаҳкамлаш мақсадида француз қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши йўлидаги ўз куч-ғайратини давом эттиришни таклиф қилади».

Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий комитетининг пленуми

БУДАПЕШТ, 18 июль. (ТАСС). Бугун Будапештда Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг пленуми очилди. Андраш Хегедюш кун тартибидаги биринчи масала — ташкилий масалалар юзасидан доклад қилди. Марказий Комитет қуйидаги қарорни қабул қилди:

Марказий Комитет ўртоқ Матиас Ракошининг Венгрия ва халқаро ишчилар ҳаракатидаги, венгер халқининг порлоқ истиқболи учун, социалистик Венгрия учун олиб борилган курашдаги хизматларини қайд қилиб, ўртоқ Ракошининг мактубининг мазмунига қўшилади ва ўртоқ Ракошининг илтимосига мувофиқ, уни Сиёсий бюро составидан ва Марказий Комитетнинг биринчи секретари лавозимидан озод қилади.

Марказий Комитет ўртоқ Эрне Герени бир овоздан ўзининг биринчи секретари қилиб сайлади.

Марказий Комитет пленуми Марказий Комитетнинг аъзолигига кандидатлар Тивадар Матушекни ва Эрне Мольнарни Марказий Комитет аъзолигига, шунингдек Ласло Фельдешни, Пене Хазаини, Имре Хорватни, Янош Кадарни, Дьюла Каллаини, Дьердь Марошанни ва Имре Мезэни Марказий Комитет аъзолигига кооптация қилди.

Марказий Комитет пленуми Пене Фокни, Пожеф Хайдуни, Янош Хорватни, Янош Кукучкани, Карой Неметни ва Эрне Рулашни Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар сифатида Марказий Комитетга кооптация қилди.

Марказий Комитет Янош Кадарни, Карой Кишшни, Дьердь Мрошанни ва Илжеф Реваини Сиёсий бюро аъзолигига сайлади.

Марказий Комитет пленуми Шандор Гашпарни ва Шандор Ронаини Сиёсий бюро аъзолигига кандидат қилиб сайлади.

Марказий Комитет пленуми кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Марказий Комитет Сиёсий бюросининг «Ягона партия сафида социалистик демократия учун» деган темадаги докладини тинглади.

Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Эрне Гере кун тартибидаги шу масала ҳақида доклад қилди.

* * *

БУДАПЕШТ, 18 июль. (ТАСС). Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг бугун очилган пленумида ўртоқ Матиас Ракошининг ВМП Марказий Комитетига ёзган қуйидаги мактуби ўқиб берилди:

Ҳурматли Марказий Комитет!

Мени ВМП Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимидан ва Сиёсий бюро составидан озод қилишни Марказий Комитетдан сўрайман. Шундай илтимос билан мурожаат қилишимнинг сабабларидан бири шундан иборатки, ҳозир мен 65 ёшдаман ва 2 йилдан буён бетобман ва бу бетоблик тобора жиддий тус олиб, Марказий Комитетнинг биринчи секретари сифатида ўз зиммамга юкланган ишларни бажаришимга ҳалақит бермоқда. Шу билан бирга, шахсга сиғиниш, шунингдек социалистик қонунчилик соҳасида қилган хаталарим партия раҳбарлигининг бутун эътиборини олдимизда турган вазифаларга тўла равишда қаратиш имкониятини қийинлаштиради. Мени эгаллаб турган лавозимимдан озод қилишингизни сўрайман ва партиямизнинг, меҳнаткаш халқнинг, социализмнинг улуғ ишига хизмат қилишни истайман.

Матиас РАКОШИ.

Бугун Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг пленумида Матиас Ракоши қуйидаги баёнотни қилди:

Ҳурматли Марказий Комитет!

Менинг ўз илтимосимга бир қанча қўшимчалар киритишимга ижозат бергайсиз. Менинг соғлигимга келганда шуни айтиш керакки, мен икки йилдан буён гипертония касалига мубталоман. Менда қон босими кучаймоқда ва врачлар бундан бир неча кун илгари Сиёсий бюрога маълумот ёзиб юбордилар. Бу маълумотдан қуйидаги бир жумлани келтириб ўтаман:

«Биз Ракошининг ҳозирги соғлигини сира ҳам қониқарли деб ҳисоблай олмаймиз ва шу сабабдан унинг соғлиги ёмонлашувига йўл қўймаслик мақсадида дарҳол бу ишга аралашиш талаб этилади».

Кейинги икки йил ичида ўртоқларим корхоналарга, омма орасига илгаридагидек тез-тез бормаганлигимни кўп марта сездилар. Ҳақиқат шундай эди. Улар соғлигимнинг ёмонлашганлиги бунга сабаб эканлигини билмас эдилар. Менинг соғлигимнинг ёмонлашганлиги ишимнинг сифати ва сонига таъсир кўрсата бошлади ва бу ҳол ана шундай муҳим лавозимда партияга фақат зарар етказиши мумкин. Мен ўз соғлигим тўғрисида ана шу гапларни айтишни истадим.

Шахсга сиғиниш ва социалистик қонунчиликни бузиш соҳасида қилган хаталарима келганда шуни айтиш керакки, мен 1953 йил июнь ойида Марказий комитетнинг пленумида ва сўнгги даврда бу хаталарни кўп марта эътироф этдим ва ҳамма олдида ўз-ўзимни танқид қилиб гапирдим. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX съездидан ва ўртоқ Хрушчевнинг докладидан кейин менга ана шу хаталарнинг оғирлиги ва таъсири мен ўйлагандан ҳам кўпроқ эканлиги ва шу хаталар натижасида партиямизга етказилган зарар мен ўйлагандан ҳам жиддийроқ эканлиги аён бўлиб қолди. Бу хаталар партиямизнинг ишини қийинлаштирди, партия ва халқ демократиясининг жозиба кучини камайтирди ва партия ҳаётининг ленинча нормаларини, коллектив раҳбарликни, конструктив танқид ва ўз-ўзини танқидни, партия ва давлат ҳаётининг демократизмини, кенг меҳнаткашлар оммасининг ташаббускор ва ижодий кучини ривожлантиришга халақит берди. Ниҳоят, бу хаталар душманнинг ҳужум қилиши учун жуда кенг имкониятлар яратди. Партия ишининг энг муҳим лавозимида бўлган вақтимда қилган ана шу хаталарим бутун социалистик тараққиётимизга катта зарар етказди.

Ана шу хаталарни тузатиш соҳасида кўп иш қилишим керак эди. Гуноҳсиз ишларни оқлаш иши секин борган экан, баъзан эса бу иш тўхтатиб қўйилган экан, ўтган йили шахсга сиғинишни тугатиш соҳасида бир мунча «сусткалик рўй берган экан, танқид ва ўз-ўзини танқид, шунингдек коллектив раҳбарлик сust ривожлантирилган экан, сектантлик, догматик қарашларга ва методларга қарши етарли даражада қатъий кураш олиб борилмаган экан, буларнинг ҳаммаси учун партиянинг биринчи секретари сифатида менинг зиммамга жиддий жавобгарлик юкланади.

Ҳурматли Марказий Комитет!

Мен қирқ йилдан ортиқ вақтдан буён социалистик ҳаракатнинг актив солдати бўлиб келмоқдаман. Мен партиямизнинг дастлабки қадамларида иштирок қилдим, Венгрия коммунаси учун олиб борилган жангларда, хортичилар террорига қарши оғир курашда қатнашдим. Тюрмаларда кўп йиллар ётганимдан кейин мен қудратли Совет Иттифоқи Ватанимизни озод қилган кунни кўришга муяссар бўлдим ва Венгрия коммунистлари қаттиқ ва шафқатсиз кураш вазиятида мамлакатимизда социализм улуғ ишининг ғалабасига олиб келган чоқда биринчи сафларда бўла олдим. Мен шунга аминманки, бизнинг партиямиз меҳнаткаш халққа таяниб ва XX съезд қарорлари руҳида барча қийинчиликларни бартараф қилиб, душманни енгиб ва курашда чиниқиб ҳозирги пайтда ҳам аҳиллик билан олга боради — порлоқ истиқболга олиб келадиган демократия ва социалистик қурилиш йўлидан аҳиллик билан олга боради!

СССР ВА ГДР ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ МУЗОКАРАЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА НЕМИС ДЕМОКРАТИК МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

БЕРЛИН, 18 июль. (ТАСС). Москвада Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси ҳукумат делегациялари ўртасида олиб борилган музокараларнинг тамом бўлишига бағишланган материаллар ГДРда чиқадиган барча газеталарнинг бугунги сонларида марказий ўринда турибди.

«Нейе цейт» газетаси Москвадаги музокаралар вақтида ҳозирги шароитда ҳар иккала герман давлати ҳукуматлари ўртасида бевосита музокаралар олиб бориш ва ҳамжиҳатлик ўрнатиш зарурлиги ҳақида бир хил фикр баён қилинганлиги ва ана шу йўл Германияни бирлаштиришнинг бирдан-бир тўғри йўли эканлигини мамнуният билан таъкидлайди.

«Трибюне» газетаси СССР ва ГДР ҳукумат делегациялари ўртасида олиб борилган музокараларнинг натижалари ҳақидаги баёнотнинг мазмунини изоҳ қилиб, жумладан, қуйидагиларни уқтириб ўтади: Пул маблағларининг Германиядаги совет қўшинларини таъминлаш учун ГДР томонидан ажратиладиган қисмини ярмига камайтиришга Совет Иттифоқининг тайёр эканлиги СССР ҳукуматининг Германия Демократик Республикасини ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашга унга бегараз, қардошларча ва дўстона ёрдам беришга асосланган сиёсати изчил сиёсат эканлигини исбот қилади.

Сўнгра газета Ғарбий Германияда оккупация харажатлари камайтирилмай, балки, аксинча, ортиб бораётганлигини ва бу харажатлар Бонн молия министри Шеффернинг баёнотига қараганда, 1956 йилда 5 миллиард маркани ташкил этажагини кўрсатади.

«Нейес Дейчланд» газетаси СССР ва ГДР ҳукумат делегациялари ўртасида олиб борилган музокараларни шарҳлаб, бундай деб ёзади: Бу музокаралар дўстлар ўртасида олиб борилган музокаралар эди. Ҳар иккала давлат тинчлик, демократия ва социализм лагерида турибди ва бу ҳол шундай ҳамжиҳатлик ўрнатиш имкониятини туғдирадики, империалист сиёсатчилар бундай ҳамжиҳатликни ҳатто тасаввур ҳам қилолмайдилар.

Газета қуйидагиларни уқтириб ўтади: Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати каби Германия Демократик Республикасининг ташқи сиёсати ҳам стабель сиёсатдир ва бу сиёсат бундан буён ҳам стабель бўлиб қолади, чунки ГДР социалистик лагердаги халқлар билан биргаликда бораётган йўл порлоқ келажакка олиб боради.

Япон газетаси Ғарб давлатларини Совет Иттифоқининг таклифига қўшилишга чақирмоқда

ПЕКИН, 18 июль. (ТАСС). Токиодан билдиришларига қараганда, Японияннинг таъсири эўр «Асахи» газетаси бугунги бошмақоласида Англия, Қўшма Штатлар ҳукуматларини ва ғарбдаги бошқа етакчи давлатларнинг ҳукуматларини Совет ҳукуматининг таклифига, яъни ядро қуролини бундан буён синаб кўришни тақиқлаш ҳақидаги таклифига қўшилишга чақиради.

Газета «идеология соҳасидаги фарқнинг ва ижтимоий системалар турлича бўлишининг атом ва водород бомбаларини синаб кўришни тўхтатиш учун халақит беришига асло йўл қўйиб бўлмайди» деб таъкидлайди.

«Асахи» газетаси СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепиловнинг Совет Иттифоқи ядро қуролини бундан буён синаб кўришни тақиқлаш масаласи юзасидан Қўшма Штатлар билан ва Англия билан музокаралар бошлашга тайёр, деб айттан сўзларини табриклайди.

Тошкентда

Иттифоқимиз бўйлаб саёҳат

Яқинда В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети география факультети студентлари ёзги имтиҳон сессияларини муваффақиятли тугатиб, жонажон Ватанимиз бўйлаб икки ойлик ишлаб чиқариш практикасига жўнаб кетдилар. Практикага бораётган 45 студентга доцент В. Акулов ва Х. Тожимов ўртоқлар раҳбарлик қилади. Студентлар практик машғулотларида Иттифоқимизнинг хилма-хил табиати, бойлиги ва ер тузилишлари ҳамда йирик саноат корхоналаридаги ишлаб чиқариш процесслари билан танишадилар.

Практика давомида студентлар Кавказнинг тоғли районларида, жонажон пойтахтимиз Москвада, Ленинградда ҳамда энг шимолий ўлкамиз Мурманскда бўладилар. Бу билан студентлар йил давомида олган назарий билимларини амалда кўриш билан мустаҳкамлайдилар.

Тасвирий санъат студиясининг виставкаси

Яқинда Тошкентдаги тўқимачилар саройида тасвирий санъат студияси тўгарагининг виставкаси очилди. Виставкага ҳаваскорларнинг 200 дан ортиқ асари қўйилган.

Виставка залига кирган кишининг бутун диққати катта стол устига ўрнатилган «Колхоз қишлоғи» темасида ишланган макетга жалб этилади. Бу макетни Я. Л. Фрумгарц раҳбарлик қилаётган тўқимачилар саройи тасвирий санъат тўгарагининг энг ёш аъзоларидан А. Дукин (107- мактаб), Р. Сиваев (87- мактаб), К. Абдулин (20-мактаб) ва бошқа ўқувчилар ишлаганлар.

Тўгаракнинг энг ёш аъзоларидан 9 ёшли Вербинанинг «Қишлоқ», «Қуз» деган расмлари, 14 ёшли Солдатов ва Сорокинларнинг этюдлари, 13 ёшли Цигановнинг «Кинотеатр олдида» ва «Мактаб участкасида» расмлари айниқса иқтидорлидир.

Виставкада тасвирий санъат студияси аъзоларидан Л. Т. Ермаковнинг 10 га яқин ҳайкалтарошлик ишлари бор. Унинг «Юк ташувчи докерлар», «Партизан», «Ўзбек қизи», «Халқлар дўстлиги» каби ишлари моҳирлик билан ишланган.

Комбинатнинг читта гул босиш фабрикаси тўгараги аъзолари чизган расмлар, ўймакорлик ишлари қизиқарлидир. Булардан М. Арслоновнинг ёғочга ўйиб ишлаган фрагментлари, С. Журавлевнинг металлга қилган гравюралари, И. Гартвен, Е. Лугачев, М. Жарцовларнинг табиатни тасвирловчи асарлари виставкада муҳим ўрин эгаллайди. Виставкани ҳар куни юзлаб кишилар келиб кўрмоқдалар.

Суратда: Округ офицерлар уйи театрининг Сталин кўчасида қурилган янги биноси.

А. Котулев фотоси.

Ишчи—техниклар

Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводи ҳузуридаги машинасозлик техникумида ҳозир 300 дан ортиқ киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқимоқда.

Бу йил техникумни ишчилардан 29 киши битириб «техник» деган диплом олишга муваффақ бўлди.

Битирувчилар орасида бир қанча машинасозлар бор.

Сиртқи бўлим студентлари практикада

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти география факультетининг I курс сиртқи бўлим студентларидан 100 га яқин киши Бўстонлиқ районида ўтказилган ишлаб чиқариш практикасидан қайтиб келдилар. Практикага география ўқитувчиси Набихонов ва геология ўқитувчиси Расулев ўртоқлар раҳбарлик қилдилар.

Практикант студентлар Хумсон, Хўжакент қишлоқлари ва тоғлик жойларнинг табиий шароити, иқлими ҳамда ер тузилишлари билан танишдилар, тог жинсларига сув ва шамолнинг таъсирини ўргандилар.

Имтиҳон сессиялари олдидан ўтказилган бу практика студентларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади.

Ютуқ пули тўланмоқда

Марказий райондаги 7007—омонат кассасида турли давлат заёмларига чиққан ютуқ пуллари ўз вақтида тўланмоқда. Бу ерда йил бошидан бери заём эгаларига 1 миллион 44 минг сўм ютуқ пули берилди. Булар орасида йирик ютуқ пули олганлар ҳам бор. Заём эгаси ўртоқ Р. ўзининг 500 сўмлик СССР халқ хўжалигини тиклаш учинчи давлат заёмига 50 минг 800 сўм, ўртоқ К. 100 сўмлик СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1952 йилда чиқарилган) давлат заёмига 25 минг сўм ютуқ пули олдилар.

Омонат кассасида заём эгаларига қулайлик туғдириш мақсадида облигацияларни текшириш справка столи ташкил этилган.

Қувноқ дам олмоқдалар

Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими 40 дан ортиқ жойда кундузлик пионер лагери ташкил этди. Бу лагерларда шаҳарда қолган пионер ва ўқувчилардан 5 мингдан ортиқ бола дам олмоқда. Улар шаҳардаги турли саноат корхоналарига, музейларга, кинотеатрларга экскурсиялар қилиб турадилар, бадиий ҳаваскорлик, спорт ва фан тўгаракларига қатнашадилар.

Пионер ва ўқувчиларнинг республикамиз донгдор кишилари, ёзувчилар билан учрашувлари бўлди.

Шахмат мусобақалари

Максим Горький номидаги паркда республика биринчилиги учун навбатдаги шахмат мусобақаси бўлди.

Мусобақада ҳар бир спортчи энг юқори очкога эга бўлиш учун маҳорат билан ўйнамоқда. Ҳозир ўйиннинг 12 тури бўлиб ўтди.

Ўтган йилги шахмат мусобақасида республика чемпиони номини олган тошкентлик Ф. Коган 12 имкониятдан 10,5 очкога эга бўлиб биринчи ўринда бормоқда.

Мусобақа давом этмоқда.

* * *

Яқинда М. Киров номли маданият ва истироҳат боғида Тошкент тўқимачилик комбинати биринчилиги учун шахматшашка мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақага комбинатнинг завод ва фабрикаларида ишловчи 60 дан ортиқ хизматчи қатнашди.

Ҳозир ўйиннинг беш тури тугади. Бу мусобақаларда 3-йигирув фабрикасининг шахматчилари ва шашкачилари 37,5 очкога, 1-йигирув фабрикасининг командаси 29,5 очкога, механика заводининг шахматчилари ва шашкачилари эса 29 очкога эга бўлиб, олдинда бормоқдалар. Мусобақа давом этмоқда.

ҲОДИСА

Таловчилар қўлга тушди

Яқинда Тошкент шаҳар 15-милиция бўлинмасига биринчи қурилиш бошқармасининг шофери Фарида Шаипова келиб, Собир Раҳимов кўчасида икки номаълум киши унга ҳужум қилиб «Маяк» маркали қўл соатини ва беш юз сўм пулини олганлиги тўғрисида хабар қилади.

Милиция ходимларининг актив ҳаракат қилиши натижасида ўғрилар тезда қўлга тушади. Уларнинг бири Ўткир Ражабов—юк ташувчи бўлиб ишлаши, Равил Калмиков эса Ташгорстройнинг ишчиси эканлиги аниқланди. Ўғрилар жиноий жавобгарликка тортилди.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 22 июлда чиқади).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

«Победа» паркида дам олиш куни.

А. Котулев фотоэтюди.

ТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/VII да **Мазепа**, 21/VII да **Марварид қидирувчилар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 20/VII да **Фарҳод ва Ширин**, 21/VII да **Сурмахон**.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА — 20, 21, 22/VII да Ўзбек давлат эстрадаси **шодлик кечалари** ўтказади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Яхталар денгизда**, кеч соат 8 ва 10 да **Водида олишув**.

«ИСКРА» — кеч соат 9 гача янги венгер бадиий фильми **Бир кружка пиво**, кеч соат 9 дан **Қизим Венада яшайди**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Ўрмонда тутун**, кундуз ва кечқурун **Яхталар денгизда**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Қизим Венада яшайди**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», «ХИВА» — **Яхталар денгизда**.

«УДАРНИК» — **Қизим Венада яшайди**.

«ИСКРА», «ИСКРА» (Кафанов номли парк) — **Бир кружка пиво**.

«Тошкент ҳақиқати» газета редакциясининг коллективи редакция ходими Фарида Усмоновага отаси

Мадумар УСМОНОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар уйларида кўча номлари ёзилган тахтачалар, номер белгилари ва фонарларни тартибга солиш тўғрисида

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МАЖБУРИЙ ФАРМОЙИШИ

1956 йил 29 июнь № 8 Тошкент шаҳри

Уйларда кўча номлари ёзилган тахтачалар, номер белгилари ва фонарларни тўла тартибга солиш мақсадида, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети **қарор қилади:**

1. Маҳаллий Советларнинг уй-жой бошқарувчилари, муассаса, корхона, ташкилот раҳбарлари, застройщиклар ва хусусий уй эгалари номер белгилари ва фонарларни ҳамда кўча номлари ёзилган тахтачаларни 1956 йил 10 августгача муддатда ўз ҳисобларидан тозаласинлар ва тузатсинлар ёки уларни Ободончилик бошқармаси тасдиқлаган ва Рекламбюро тайёрлаган намунада янгиларига алиштирсинлар.

2. Электр билан ёритиладиган уйларда кўча фонарларига ўтказилган симларни бир ой муддатида тўла тузатсинлар.

3. Бу мажбурий фармойишни бажармасликда айбдор бўлган кишилар маъмурий тартибда жавобгарликка—100 сўмгача штраф тўлашга ёки бир ойгача муддат билан мажбурий ишга тортилсин.

4. Шу мажбурий фармойишнинг бажарилишини контроль қилиш район уй-жой бошқармалари ва милиция органларига юклансин.

5. Бу мажбурий фармойиш эълон қилинган кундан бошлаб 15 кундан кейин кучга киради ва Тошкент шаҳри территориясида жорий этилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари П. П. ФЕДОТОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети секретари вазифасини бажарувчи А. И. ГОНЧАРОВ.

Тошкент станциясининг 1-нчи разряд ТЕМИР ЙЎЛ РЕСТОРАНИДА

ҳар кун

СОВУҚ ЗАКУСКАЛАР,

балиқ, гўшт, ун, сут ва ширинликлардан тайёрланган ОВҚАТЛАР

ошпазлик, кондитер моллари ва ҳархил ичимликлар БОР.

10 процент арзон нархда уйга ҳам овқатлар сотилади.

Йўлга чиқувчи пассажирларнинг олдиндан қилган заказларига мувофиқ, овқатлар вагонга етказиб берилади.

Ресторан соат 8 дан 23 гача ишлайди.

Тошкент станциясидаги темир йўл ресторани хизматларидан фойдаланингиз!

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136 Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалиги бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 07706. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1482.